БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 22 (19.693). • 1987 йил 27 январь, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАСИ

СССР Олий Совети Президиуми билан СССР Министрлар Совети Ҳиндистон Республикасининг Президенти Заил Сингх ва Ҳиндистон Республикасининг Бош министри Ражив Гандига телеграмма йўллаб, республика эълон қилинган куннинг 37 йиллиги муносабати билан Совет Иттифоқи халқи ва раҳбарлари номидан самимий табрикладилар ҳамда энг яхши тилакларини изҳор этдилар. Деҳлида олий даражада бўлиб ўтган Совет—Ҳиндистон учрашуви СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорликни икки томонлама муносабатларда ҳам, халқаро ишларда ҳам сифат жиҳатдан янги марраларга чиқарганлиги қайд этилади. СССР билан Ҳиндистон ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг мустаҳкам негизига асосланган муносабатлар йил сайин янги мазмун билан бойиб боради, халқаро турмушда мамлакатларимиз раҳбарлари Деҳли декларациясида эълон қилган принципларни қарор топтиришга кўмаклашади, деб ишонч билдирилади телеграммада.

(ТАСС).

ли
со
фа
тоб
сов
лей
қўл
дав
бўр
йил
п.
кол
лар
лов,
Жабб
каби
ҳисса
Қа

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитетининг Пермь область партия комитетининг ҳисоботи хусусидаги йўл-йўриқлари асосида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси Ўзбекистон Компартияси Бухоро область комитетининг иши тўғрисидаги масалани кўриб чиққанлиги илгари хабар қилинган эди.

Қабул қилинган қарорда шу нарса қайд этиладики, Бухоро область партия комитети КПСС XXVII съезди қарорларини бажара бориб, социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш йўлини амалга ошира бориб, қайта қуриш руҳида партиявий раҳбарлик савиясини кўтаришга интилмоқда, бироқ бу жараён ҳаддан ташқари секинлик билан бормоқда, барча поғоналардаги ташкилотчилик ва сиёсий иш билан мустаҳкамланмаяпти.

Иқтисодий ва ижтимоий турмушдаги чуқур сифат ўзгаришлари учун съезддан кейин очилган имкониятларни рўёбга чиқаришда обком КПСС XXVII съезди қарорлари туфайли барча партия ташкилотларида, областдаги ҳамма коллективларда юзага келган зўр сиёсий активлик ва меҳнат ғайратидан суст фойдаланмоқда.

Область партия комитетининг секретарлари, бўлим мудирлари, инструкторлар состави қарорлар қабул этишда ва уларнинг ижроси устидан контроллик қилишда, коллегиаллик ва ошкораликка, талабчанлик ва изчиликка эришганлари йўқ. Улар қайта қуришга даъват қилиш билан бирга ўзлари жадаллаштириш руҳини ўзлаштириб олганлари йўқ, кўпроқ бошқарувчилик вазифалари билан шуғулланмоқдалар, халқ хўжалигида тартиб ўрнатиш ўрнига вужудга келган аҳволни изоҳлаш учун ҳали ҳам сабаб қидирмоқдалар.

Партия, совет, хўжалик раҳбарлари, ўрта бўғин кадрлари, оддий ходимларнинг аксарияти белгилаб берилган топшириқлар реал эмас деган қатъий фикрга берилиб қолганлар, уларда ўз имкониятларига ишонч йўқ. Ўтмишда йўл қўйилган қўшиб ёзишлар планларнинг, аввало қишлоқ хўжалиги соҳасидаги планларнинг осонгина бажарилиши вазиятини вужудга келтирган. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун интизом ва масъулият пасайиб кетган. Область партия комитети мана шундай газак олган тенденцияларни ва унинг натижасида камайтирилган планлар белгиланишига қайта-қайта интилиш ва шу тариқа ишдаги ғайратни камайтириш иллатини ўз вақтида пайқаб олмади.

Область партия комитети жадаллаштириш учун курашнинг ягона фронтини вужудга келтира олмади, етилган социал-иқтисодий проблемаларни кам самарали, эски усуллар билан ҳал этишга уринмоқда, ана шуларнинг оқибатида ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланишдаги нохуш тенденциялар шу пайтгача ҳам бартараф этилгани йўқ. Саноатда фондларнинг самарадорлиги пасайиб бормоқда. Тўқимачилик комбинатининг бир қанча корхоналаридаги қувватларнинг учдан бир қисмигина иш билан таминланган. Корхоналарнинг ярмидан кўпроғи ҳали ҳам бир сменада ишлаб келмоқда. Пиллакашлик, пойабзал фабрикаларида, қоракўл заводида асбоб-ускуналар эскириб қолган, қолоқ технологиядан фойдаланилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган кўпгина газлама, кийим-кечак, пойабзал харидорларнинг дидига ёқмаяпти, 10 миллион сўмликдан кўпроқ ана шундай маҳсулотлар омборларда тўпланиб қолди. Маҳаллий саноат ўз ресурсларидан оммавий истеъмол моллари ишлаб чиқаришга мослаштирилмаган, бу ресурсларнинг анчагина қисми четдан ташиб келтирилмоқда. Маҳсулот етказиб бериш шартномаларини ҳар уч корхонанинг бири бажармаяпти.

Область агросаноат комплексидаги ҳаддан ташқари қониқарсиз аҳвол хусусида жиддий ташвиш билдирилди. Кейинги беш йил мобайнида қишлоқ хўжалигига 1,5 баравар кўп капитал маблағ сарфланди, ялпи маҳсулотнинг ҳажми эса 16 процент камайди. Ўтган йили деҳқончиликнинг барча турдаги маҳсулотларни тайёрлаш плани бажарилмади, умумиттифоқ фондига маҳсулот етказиб бериш топшириғи барбод қилинди. Пахта тайёрлаш план топшириқларини ҳамма районлар бажармади, кўпгина хўжаликлардаги ҳосилдорлик 25 процентдан паст. Деярли ҳамма жойдаги раҳбарлар ва мутахассислар пахта теримини механизациялашга қарши чиқмоқдалар, техникага хўжасизларча муносабатда бўлмоқдалар.

Айни вақтда юз минглаб шаҳарликлар ва ўқувчилар ҳар йили узоқ муддатларга дала ишлари учун жалб қилинмоқда. Областда илгаридан суғориб келинган ерларни реконструкциялаш, экинзорларни мелиорациялаш билан жуда ёмон шуғулланмоқдалар, шунинг оқибатида беш йиллик мобайнида 15 минг гектар ҳайдаладиган ер оборотдан чиқиб қолди. Мева, сабзавот, картошканинг ҳосилдорлиги планда белгиланганидан 5—10 баравар паст. Аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш республикада энг паст даражада қолмоқда, шунга қарамай, кейинги йилларда Озиқ-овқат программасининг қандай бажарилаётганлиги область партия комитетида бирон марта чуқурроқ муҳокама қилинмади.

Капитал қурилишнинг сурункали орқада қолаётганлиги ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш йўлидаги жиддий тўсиқ бўлиб қолди. Асосий кўрсаткичларнинг биронтаси юзасидан планлар бажарилмади. Капитал маблағларнинг ўтган йили атиги беш проценти реконструкциялашга ва техника билан қайта қуроллантиришга ишлатилди. 22 миллион сўмлик ўрнатилмаган асбоб-ускуналар уйилиб ётибди, унинг учдан бир қисми чет эллардан сотиб олинган асбоб-ускуналардир.

Ишчи кучи мутлақо етишмаётган бир шароитда халқ хўжалигининг кўпчилик тармоқларида, айниқса колхоз ва совхозларда ижтимоий ишлаб чиқаришда шуғулланмаётган кишилар кўпайиб, юз минг кишига етай деб қолди. Касаначилик меҳнати билан атиги 1,5 минг киши қамраб олинган, бригада пудрати секинлик билан жорий этилмоқда.

КПСС Марказий Комитети Пермь область партия комитети хусусидаги қарорида экономика тараққиётининг социал йўналишини кучайтириш зарурлигига алоҳида эътиборни қаратди. Шу масалаларнинг Бухоро областига татбиқан кўриб чиқилиши шуни кўрсатдики, бу областда ҳам мазкур проблемалар ҳамон иккинчи ўринда қолмоқда. Меҳнат коллективларининг ўз социал ривожланиш программалари йўқ, корхоналар ва ўқув юртлари умумий овқатланиш билан эҳтиёжнинг атиги ярмиси даражасида таъминланган. 150 минг киши ўзининг уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож, бу проблема область маркази, Когон, Ғиждувон ва Ромитан шаҳарлари учун айниқса ўткир бўлиб турибди. Айни вақтда кооператив ва якка тартибдаги қурилиш объектларни хўжалик усулида қуриб битказиш муносиб даражада ривожлантирилмаган. Съезднинг ҳар бир оила 2000 йилгача алоҳида квартира ёки уйига эга бўлиши тўғрисидаги кўрсатмасини таъминлаш юзасидан шу пайтгача чора-тадбирлар кўрилмаган.

Социал-иқтисодий ривожланиш соҳасидаги жиддий камчиликларнинг сабаби шундаки, область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Жабборов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Н. Нарзуллаев, обком бюроси ва область Совети ижроия комитетининг узоқ вақтлардан буён областдаги катта-катта иш соҳаларига бошчилик қилиб келаётган бошқа аъзолари ўзгаришлар қилишга унчалик шошилмаяптилар. Хўжалик юритишни интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш соҳасидаги имиллашларга тоқат қилиб келмоқдалар. Кўпдан кўп қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул этишга ҳали ҳам асосий эътибор берилмоқда, ташкилотчилик ва сиёсий ишлар иккинчи ўринда қолиб кетмоқда. Ўтган йили область партия комитети юздан кўпроқ қарор қабул қилди, аммо уларнинг иккитаси юзасидан ижронинг бориши текшириб кўрилди. Обком бюросида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалалари 17 марта муҳокама қилинди, аммо биронта қарорнинг бажарилиши жойларда контрол билан мустаҳкамланмади, натижада бу тармоқда катта камчиликлар содир бўлди.

Пленумларнинг ва актив йиғилишларнинг ишида деярли ҳеч қандай ўзгариш рўй бергани йўқ, уларни тайёрлаш ва ўтказишда чора-тадбирларни қалаштириб ташлашга, қайта қуриш ва партиявий демократияга риоя этилаётгандек килиб кўрсатишга йўл қўйилмоқда, съезд материалларига мурожаат этиш шунчаки бир заруратдек янграмоқда. Партия комитетлари, уларнинг секретарлари, бўлим мудирларининг иш услуби ва методлари қуйидан бўладиган танқиддан четда қолмоқда. Область партия комитетининг, Олот, Ромитан, Когон, Свердлов, Пешку районлари ва айниқса Бухоро шаҳар комитети партия ходимлари, шахсан обком ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири ўртоқ Ғ. Ҳ. Ҳалимов эскичасига ишламоқдалар, бошланғич партия ташкилотларига камдан-кам бормоқдалар, бундай учрашувларнинг самараси кам бўлмоқда, улар асосан раҳбар ходимлар, чекланган активлар билан учрашмоқдалар, қуйи бўғинларга, оддий коммунистларга, партиясизлар оммасига етиб бормаяптилар. КПССга қабулни тартибга солиш механик тарзда, ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи соҳаларидаги партиявий қатламни мустаҳкамлаш вазифаларидан ажралган тарзда олиб борилмоқда. Қуйи партия бўғинларининг структурасини такомиллаштириш лозим.

КПСС XXVII съезди, Марказий Комитет 1985 йил апрель ва 1986 йил июнь Пленумлари кадрларнинг ишчанлик билан амалий иш қилиш даражасини ошириш тўғрисида ўртага қўйган талаб ўрнига кўпинча дабдабали сўзлар ва даъватлар билан чекланмоқдалар. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга оид кўпгина масалалар муносиб даражада принципиаллик ва изчиллик билан ҳал этилмаяпти, кенг ошкоралик, коллегиаллик йўқ, бошланғич партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг фикри эътиборга олинмаяпти, баъзан бефарқликка йўл қўйилмоқда.

Область партия комитети областдаги салбий ҳодисалар айниқса, ташвишли тус олганлигидан хулосалар чиқариб олмади, натижада кейинги икки йил ичида кўтарилган раҳбарлардан 90 киши салбий сабаблар билан ишдан бўшатилди. Кўпгина мансабдор шахслар ҳали ҳам қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик билан шуғулланмоқдалар, аммо область партия комитети айбдорларга нисбатан муросасозлик билан қарамоқда, бир галги чоралар билан чекланмоқда ва бундай фактларга муносиб баҳо бермаяпти. Шу пайтгача кадрларнинг реал резерви вужудга келтирилган эмас. Сайлаб қўйилган активлар билан ҳеч қандай иш олиб борилмаяпти. Партия мактабларини битириб келган кўпгина кишилардан ўринли фойдаланилмаяпти.

Партия комитетлари Советларга, касаба союзларига, комсомолга раҳбарлик қилиш соҳасида ўз ишларини КПСС XXVII съезди қарорларига мувофиқ қайта қуриб олганлари йўқ, уларнинг ҳуқуқ доирасига кирадиган масалаларни ҳал этишдан ҳаддан ташқари марказлаштиришга йўл қўймоқдалар, ҳатто баъзан уларнинг вазифалари билан очиқдан-очиқ шуғулланмоқдалар. Маҳаллий Советлар ўзларининг съезд белгилаб берган бир қанча бевосита вазифаларидан четлаштириб қўйилди. Уларнинг фаолиятида демократик негизлар суст ривожлантирилмоқда, улар социал қайта қуриш, транспорт, маиший, коммунал, савдо, медицина хизмати, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш масалаларини ҳал этишда камдан-кам мустақиллик кўрсатмоқдалар. Касаба союз органлари социалистик мусобақани ўз ҳолига ташлаб қўйдилар. Аксарият, машҳур меҳнат починлари ва новаторларнинг ташаббуслари Бухоро областида қўллаб-қувватланмаяпти ва оммалаштирилмаяпти. Комсомолнинг аниқ-равшан жиддий топшириқлари йўқ. Меҳнаткашларнинг энг зарур талаб-эҳтиёжларини ҳал этишдаги расмиятчилик оқибатида Бухоро областидан юқори ташкилотларга кўплаб хатлар тушмоқда.

Область партия комитети идеология, сиёсий тарбия ишида КПСС XXVII съездининг бугун куч-ғайратни одамлар билан якка тартибда ишлашга қаратиш тўғрисидаги кўрсатмасини амалга оширишда сусткашлик қилмоқда. Маҳаллий миллатга мансуб ёшлар орасида индустриал ишчилар синфини тайёрлаш вазифаси партия ташкилотларининг диққат-эътиборидан четда қолди. Ахлоқий тарбия, омманинг интернационал онгини шакллантириш заиф бўғиндир. Область партия комитети илмий материалистик дунёқарашни кенг ёйиш, диний хурофотларни, патриархалчилик урф-одатлари ва анъаналарини бартараф этиш учун ғоявий таъсир ўтказишнинг ҳамма воситаларидан фойдаланаётгани йўқ. Областда 200 нафардан кўпроқ рўйхатдан ўтмаган домла иш кўрмоқда, диний маросимлар камаймаяпти. Жиноятчилик кўпаймоқда, наркотик моддалар истеъмол қилиш кескин ошиб кетди. Ичкиликбозликни бартараф этиш, меҳнатсиз даромадларни тугатиш соҳасидаги иш жамоатчиликнинг иштирокисиз, тор доирада олиб борилмоқда. Кўпгина маданият муассасалари ва спорт иншоотлари ишламаяпти. Оммавий ахборот воситалари қайта қуришдан четда турибди. Район газеталарида босилаётган хатхабарларнинг савияси ҳаддан ташқари паст. Кейинги йилларда область партия комитети маҳаллий матбуотнинг биронта ташаббусини ёки танқидий мақоласини қўллаб-қувватлагани йўқ.

Мана шуларнинг ҳаммасидан чиқадиган хулоса шуки, Бухоро область партия комитети партиявий раҳликнинг форма ва методларини КПСС XXVII съезди талаблари асосида қайта қуриб олмади, партия комитетларининг ва бошланғич партия ташкилотларининг ташкилотчилик ҳамда сиёсий ишини қайта қуриш ва жадаллаштириш вазифаларига, область коммунистларини ва барча меҳнаткашларини съезд ўртага қўйган вазифаларни ғайрат билан бажаришга сафарбар этишга бўйсундирмади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бухоро область партия комитетининг, унинг бюроси ва биринчи секретари ўртоқ И. Жабборовнинг диққат-эътиборини КПСС XXVII съезди қарорларини бажаришни ташкил этишдаги жиддий янглишишлар ва нуқсонларга, ўз тафаккурини, партиявий раҳбарлик услубини ва бутун халқ хўжалик механизмини қайта қуришдаги ниҳоятда сусткашликка жалб этди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети КПСС Марказий Комитетининг Пермь область партия комитетининг ҳисоботи юзасидан чиқарган қарори талаб қилганидек, область партия комитети зиммасига областнинг партиявий, иқтисодий, социал турмушида содир бўлаётган мураккаб жараёнларни чуқур ва ўз-ўзини танқид руҳида ўрганиб чиқиш, халқ хўжалигидаги жиддий ўпирилишлардан зарур хулосалар чиқариб олиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий чоралар кўриш мажбуриятини юклади.

Область партия ташкилотида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши планлари нореал деган ҳеч бир асоссиз фикр қарор топганлиги қораланди. Область раҳбарларининг ўзлари, шу жумладан, область партия комитетининг секретарлари ҳам шундай фикрни тарқатаётганликларига айниқса йўл қўйиб бўлмайди, деб топилди.

(Давоми иккинчи бетда).

Улуғ Октябрнин 70 йиллиги шараф

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги корхоналари, бирлашмалари ва ташкилотларининг коллективлари партия XXVII съезди қарорларини муваффақиятли бажаришга интилиб, 1986—2000 йилларда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш комплекс программасида белгиланган вазифаларни амалга оширишдаги юксак масъулиятларини ҳис этиб, ўн иккинчи беш йиллик вазифаларини бажариш, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, зиммаларига қуйидаги социалистик мажбуриятларни оладилар:

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги бирлашмалари ва корхоналари ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг 1987 йил ва ўн иккинчи беш йиллик учун қабул қилган

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Тармоқни ривожлантиришнинг интенсив йўлига, хўжалик юритишнинг янги методларига ўтиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш асосида 1987 йилда планга қўшимча 296 минг квадрат метр шойи газламалар, 257 минг дона трикотаж буюмлар, 800 минг жуфт пайпоқ, 120 минг жуфт чарм пойабзал ҳамда енгил саноатнинг тикув тармоғида норматив қиймати 50 минг сўм бўлган маҳсулот тайёрланади.

«Н», яъни «Янгилик» белгиси қўйилган сифати яхшиланган маҳсулотлар ва айниқса мода бўлган буюмлардан 620 миллион сўмлик ишлаб чиқарилади, ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги ип-газламаларнинг 70 проценти, шойи газламаларнинг 63,5 проценти, устки трикотажнинг 78,2 проценти, чарм пойабзалнинг 93,6 проценти биринчи сорт билан тайёрланади. Саккиз ишлаб чиқариш бирлашмаси ва корхонасининг маҳсулот сифати давлат қабулига ўтказиш учун тайёргарлик ишлари бажарилади.

20 та автомат, ярим автомат ва поток линияларни, 4050 рационализаторлик таклифини жорий этиш, қўл меҳнати салмоғини 1 процент камайтириш, юксак унумли машина-ускуналарни икки ва уч сменали иш режимига ўтказиш, ип-газлама, шойи саноати, нотўқима материаллар саноатидаги пардозлаш ишлаб чиқаришида чет мамлакатлардан олинган машина-ускуна ва мамлакатимизда тайёрланган юқори самарали машина-ускуналар иши смена коэффициентини учга, тикув, трикотаж саноатида иккига, пойабзал саноатида қуйма агрегатларни уч смена ишлатиш ҳисобига Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги нишонланадиган кунгача планга қўшимча 12 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланади. 25 минг ишчи юбилейгача беш йилликнинг икки йили планларини бажаради.

Ўн иккинчи беш йилликда асосий техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича планларни ошириб бажариш таъминланади. Ўн биринчи беш йилликдагига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 36,8 процент ўсишига эришилади, планда кўзда тутилганига қўшимча 50 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Янги техника ва технологияни жорий этиш бўйича 1000 тадан кўпроқ тадбир жорий этилиб, 70 миллион сўмлик иқтисодий самара олинади. Ҳар йили моделлар, структуралар ва хиллар бўйича ишлаб чиқарилаётган товарлар тури камида 62 процент янгиланади.

Тармоқ янада ривожлантирилади. Бунинг учун 443,5 минг йигирув урчуғи, 62 минг йигирув жойи, 48,3 миллион квадрат метр нотўқима материаллар ишлаб чиқарувчи, 90,57 миллион дона трикотаж буюмлари тайёрловчи, 20,8 миллион жуфт чарм пойабзал ишлаб чиқарувчи янги қувватлар ишга солинади.

Муддатидан илгари, 1987 йилнинг охиригача 7 пойабзал, 2 йигирув фабрикалари, Андижон тўқимачилик комбинатида пардозлаш фабрикаси фойдаланишга топширилади. Янги корхоналар учун ҳунар-техника билим юртларида 4,4 минг малакали ишчи тайёрланади. 14 минг ишчи тайёрланади, 24 минг кишининг малакаси оширилади.

Ресурслардан оқилона, тежамкорлик билан фойдаланиш ишларини кучайтириш асосида ҳар йили 100 тонна пахта толаси, 336 минг квадрат метр тикувчиликда ишлатиладиган газлама, 5 миллион квадрат дициметр хром чарм товарлар, 5 миллиард 600 миллион киловатт-соат электр энергияси, 86 минг гигакалорий иссиқлик энергияси тежалади. Планга қўшимча 1 миллион сўм фойда олинади. Иккиламчи ресурслардан 19,6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Беш йил мобайнида 417 минг квадрат метр уй-жой, 10 минг ўринли мактабгача тарбия болалар муассасалари, Андижон тўқимачилик комбинатида кунига 200 киши қабул қилинадиган поликлиникаси бўлган 150 ўринли медицина-санитария қисми, Бухоро тўқимачилик комбинатида 1200 ўринли маданият уйи, 3600 ўқувчига мўлжалланган бешта ҳунар-техника билим юрти муддатидан илгари фойдаланишга топширилади. 1987 йилда Қувасой чинни заводи, Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикаси, Шаҳрихон, Чуст, Хўжаобод шаҳарларидаги тикувчилик-трикотаж фабрикалари, Олтинкўлдаги трикотаж полотноси фабрикаси, Ильи-

чевск
фабри
қишло
тўқув
ғон.
тўқувч
учун
метр с
датида
нишга
минлан
билан
казилг
ижроия
ла му
табга
ри б
эриши
лектив
ҳар б
дани
4 к
Меҳн
лиш бў
да 7 м
бирлар
йиллик
ишлов
ший
минла
муҳо
3 ми
Кор
сати
7,7
лад
О
ни б
бўлг
ошир
лик
мол
қуй
бош
тага
гўшт
туху
тир
сан
нал
озим
ма
КП
лар
мам
тара
риш
миз
тияс
ни к
**Соци
лар та
риш б
хоналар
муҳокам
линган.**

Ўзбекистон матлубот кооперацияси ходимларининг ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш ва Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Республика кооператорлари мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш соҳасида КПСС XXVII съезди белгилаган программани амалга ошира бориб, ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш, Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юбордилар ва зиммаларига қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилдилар:

кооператив хўжалик тармоқларида қайта қуришни, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, иш самарадорлиги ва сифатини ошириш, интизом ва тартибни мустаҳкамлаш асосида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа товарларга бўлган талаб-эҳтиёжлари тўлиқроқ қондирилишига эришилади, Озиқ-овқат программасини ҳамда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат соҳасини ривожлантириш комплекс программасини амалга оширишда актив қатнашилади, қишлоқни социал-маданий жиҳатдан ўзгартиришга бутун чоралар билан кўмак берилади.

Чакана товар обороти беш йиллик плани 1990 йилнинг 27 декабригача адо этилади, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан шу беш йиллик топшириқлари белгиланган муддатдан ярим йил барвақт ҳамда тайёрлаш обороти топшириқлари эса 1990 йилнинг 7 ноябригача бажарилади.

Ҳақ тўланадиган хизматлар ҳажми 1,5 баравар оширилади, дала шийпонларида ва чорвачилик фермаларида қишлоқ меҳнатчиларига намунали хизмат кўрсатиш таъминланади.

1987 йилги товар обороти плани 30 декабргача бажарилади, аҳолига пландан ташқари 15 миллион сўмлик товар сотилади. Умумий овқатланиш корхоналарида қўшимча 5 миллион сўмлик ярим фабрикатлар, кулинария ва кондитерлик маҳсулотлари, алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқарилади.

Мамлакатнинг Озиқ-овқат программасини бажаришга қўшиладиган ҳисса оширилади, шартнома нархларида аҳолидан харид қилиш ҳисобига камида 75 минг тонна гўшт, 60 минг тонна сабзавот, 25 минг тонна картошка, 23 миллион дона тухум сотилади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш плани 1987 йилнинг 25 декабригача бажарилади.

1987 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топшириш ҳақида гражданларнинг 326 мингта шахсий ёрдамчи хўжаликлари билан шартномалар тузилади.

Ўн иккинчи беш йилликда 350 та қабул қилиш — тайёрлов пунктини ташкил этиш кўзда тутилади.

Илғор технологиядан тўлиқ фойдаланиш ҳамда молларни интенсив семиртириш, чўчқалар ва паррандаларни боқиш ҳисобига 8,1 минг тонна қўшимча гўшт олинади.

Ишлаб чиқариш фаолияти юзасидан йиллик план 1987 йил 27 декабргача бажарилиши таъминланади, планга қўшимча 2,5 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрланади. Системанинг барча корхоналарида ишлаб чиқарилаётган товарларнинг хили кўпайтирилади ва сифати оширилади, янги озиқ-овқат маҳсулотининг 5 хили жорий этилади.

Пландан ташқари 200 минг сўмлик нон-булка маҳсулотлари тайёрланади. 5 номдаги янги хил нон ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш таъминланади. Ўн иккинч... беш йилликда шу ма... учун камида ...ллион сўм сарф... йилда янги... ...икавий жиҳозлаш, ...ционализация-

лаш ҳисобига магазинларнинг савдо майдони 24,2 минг квадрат метр кенгайтирилади ва умумий овқатланиш корхоналаридаги ўринлар сони 1,4 мингта кўпайтирилади.

1987 йилда аввало, умумий овқатланиш соҳасида янги типдаги кооперативларни ташкил этиш, ҳақ тўланадиган хизматлар кўрсатиш борасидаги ишлар давом эттирилади.

Аҳолига савдо хизмати кўрсатиш маданиятини янада ошириш мақсадида қўшимча 20 та магазин ўз-ўзига хизмат кўрсатиш методи билан ишлашга, 20 та магазин молларни марказлаштирилган тарзда ташишга ўтказилади ва 10 та ихтисослаштирилган магазин ташкил этилади. Йил охиригача бинокорлик материаллари билан савдо қиладиган магазинлар сони 206 тага етказилади, идиш қабул қилувчи 30 та пункт ташкил қилинади.

Барча моддий-техника ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига 51 тонна металл, 225 тонна цемент, 205 куб метр ёғоч-тахта ва бинокорлик материаллари, 240 тонна ёнилғи-мойлаш материаллари, 0,6 миллион киловатт соат электр энергияси тежаб қолинади.

Ўн иккинчи беш йилликда 5 та область матлубот союзида улгуржи савдони бошқариш автомат системаси, шунингдек системадаги 138 та ташкилот ва корхонад... бухгалтерлик ҳисоб-ки... бини комплекс механизац... лаш ва автоматлашти... жорий этилади.

Хўжалик юритишнинг ... ги методларига ўтиш, ... лиқ ҳисобини ... лаш, меҳнатни ташк... ва рағбатлантириш ... гада формаларини ...

риш, му
қариш
майтири
жимини
да план
минг
Инс
лама
ринчи
бериб,
ва тур
шилана
минг
120 ўр
ри фой
лади. Ҳ
беш йилл
уй-жой,
маиший с
шида кам
ишлаб бер
Коопера
да 3500
ланади, 1
вий касб
Матлубо
даги ҳар би
мураббийси
шилади. Хо
га оммавий
таъминлана
охирига б
умумий ов
даги хотин
ми
процентиг
Иқтисо
ларида 428
лака ошириш
10960 раҳбар
хассис ва
кадрлари
олинади. М
мақсадида
войларнин
касбдаги
нинг
ўтказир
Реорга
лар ҳузур
қаввақт, деб
ҳамлар дастлаб
инг қўлланишга
моқда.
Ҳуқуқни м
органлари иш
ларни таг-туги
тишда, меҳнат
Конституцияда
ҳуқуқларни ҳимо
таъсирчанлик ва
ни юксалтириш,
тизомини
бугунги куннинг
вазифаси эканли
да таъкидлаб

...КИСТОН КОМПАРТИЯСИ ...КАЗИЙ КОМИТЕТИДА

...турилишига эришилсин. Маҳаллий хом ашё ва саноат чиқитларидан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 1,5 баравар кўпайтирилсин.

Капитал қурилишга партиявий раҳбарлик такомиллаштирилсин, тўғри инвестиция сиёсати ўтказилиши учун кадрларнинг масъулияти кучайтирилсин. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Қурилишда хўжалик механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқаришни планлаштириш, лойиҳалаш, ташкил этиш ҳамда капитал қурилиш давлат планининг бажарилиши учун раҳбарларга нисбатан кўпроқ талабчанлик қилинсин.

Агросаноат комплексига партиявий раҳбарликнинг услуб ва методлари, пахтачилик ва чорвачиликда тўпланиб қолган проблемаларга муносабат тубдан ўзгартирилсин. Ерларнинг ирригация-мелиорация ҳолатини яхшилаш, эскидан суғориб келинаётган экин майдонларини реконструкция қилиш борасидаги чора-тадбирлар комплекси амалга оширилсин, Марказий-Бухоро ва Ғарбий-Ромитан коллекторлари қурилиши жадаллаштирилсин. Беш йиллик охиригача ҳар бир хўжаликнинг область учун ишлаб чиқилган илмий асосланган деҳқончилик, пахта-беда алмашлаб экиш системасига ўтиши ниҳоясига етказилсин, пахта йиғим-теримини механизациялаш даражаси шу йилнинг ўзидаёқ камида 60 процентга етказилсин. 15 мартгача барча қишлоқ хўжалик техникаси ремонтдан чиқарилиб, шай қилиб қўйилсин. Техника дала ишларидан бўшаши биланоқ уни ремонт қила бошлаш учун қатъий тартиб ўрнатилсин.

Чигит ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари қисқа муддатларда экилсин, бўлажак қаттиқ сув тақчиллиги шароитида сув ресурслари тежаб сарфланишига эришилсин, экинларнинг бутун ўсиш даври учун сув истеъмол қилиш лимитлари олдиндан ҳар бир бригадага маълум қилиб қўйилсин. Қишлоқда иқтисодий иш даражаси оширилсин, колхоз ва совхозларни тўла хўжалик ҳисобига, коллектив ва оилавий пудратга ўтказиш алоҳида контроллик остига олинсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси область партия комитетидан ва область ижроия комитетидан социал соҳани ривожлантиришдаги қолоқликка барҳам беришни, партия, совет, хўжалик раҳбарларининг меҳнат, турмуш, маданият масалаларига муносабати тубдан ўзгартирилишини, меҳнаткашлар ҳамда улар оилаларининг талаб-эҳтиёжлари тўлиқроқ қондирилишини талаб қилди. Шу мақсадда халқ хўжалик планларининг социал йўналиши кучайтирилсин, уй-жойлар, маданият объектлари, маиший хизмат ва коммунал хўжалик соҳасидаги объектларнинг фойдаланишга топширилиши ва ишлаб туриши учун кадрларга нисбатан қаттиқ талабчанлик ўрнатилсин. 1987 йилда барча меҳнат коллективлари, районлар, шаҳарлар ва умуман область 2000 йилгача бориб ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки уй билан таъминлашдан иборат программавий вазифани ҳал этишга қаратилган социал ривожланиш планларига эга бўлишлари таъминлансин. Уй-жой қурилишини жадаллаштириш учун ички ресурслардан тўла-тўкис фойдаланилсин, маҳаллий бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш ҳар йили 25—30 процент кўпайтирилсин, беш йиллик охиригача ҳамма районлар ва йирик хўжаликларда ғишт заводларига эга бўлинсин.

Меҳнатга қобилиятли бутун аҳолини ижтимоий ишлаб чиқаришга тўла жалб этиш мақсадида касаначилик, иш куни тўлиқ бўлмаган ишлар кенгроқ ривожлантирилсин, мактабгача тарбия болалар муассасаларига бўлган эҳтиёж тўлиқроқ қондирилсин. Аҳолига савдо, маиший, транспорт хизматидаги жиддий камчиликлар бартараф этилсин, сабзавот ва мева омборхоналари тармоғи ривожлантирилсин. Беш йиллик охиригача барча корхоналар даволаш муассасалари билан қамраб олиниши учун хўжалик раҳбарлари олдига вазифа қўйилсин. Аҳолини, айниқса қишлоқ жойлардаги аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш тубдан яхшилансин.

Область, шаҳар, район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига КПСС Марказий Комитетининг Пермь область партия комитети ҳисоботига оид қароридан келиб чиқиб, ташкилотчилик ва сиёсий ишларни қайта қуриш юзасидан конкрет программани амалга ошириш, бу ишнинг давр руҳига мос келадиган янги форма ва методларини дадилроқ излаш топширилди.

Кадрларни ўрганиш ва юқори лавозимларга кўтариш чоғида номзодларни очиқ партия йиғилишларида муҳокама этиш, раҳбарларнинг сайлаб қўйилиши, уларнинг коммунистлар ва меҳнат коллективлари олдида вақти-вақти билан ҳисоб бериб туришлари, улар учун холис, принципиал характеристикаларни тасдиқлаш каби демократик формалар кенг қўлланилсин.

Кадрлар резерви билан ишлаш тубдан қайта қурилсин. Стажировка ва аттестациядан кенг фойдаланилсин, юқори лавозимга кўтарилган ходимларнинг топширилган ишни эгаллаб олишларида уларга сабр-тоқат билан ёрдам берилсин. Беш йил мобайнида олий партия ўқув юртларида камида 150 нафар истиқболли партия, совет ходимлари тайёрлансин. Ижрочилик интизомига риоя этмаётган, партиявий одоб ва коммунистик ахлоқ принципларини бузаётган, давлатни ва халқни алдаш йўлига ўтаётган кимсаларга қаттиқ партиявий баҳо берилсин.

Пленумлар ва йиғилишларга ҳозирлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш чоғида чора-тадбирлар билан кўмиб ташлашга барҳам берилсин, ана шу пленумлар ва йиғилишларда ошкора, амалий танқид ва ўз-ўзини танқид ривожлантирилсин, коммунистларнинг мулоҳазалари ҳамда таклифларига ўткир ва зудлик билан эътибор берилсин. Қарорларнинг бевосита жойларда бажарилишига оид ташкилотчилик ишига жуда синчиклаб эътибор берилсин. Экономика ва маданиятнинг барча асосий соҳаларида партия таъсирини кучайтириш вазифаларидан келиб чиқиб, партияга қабул қилиш ишлари аниқ мақсадни кўзлаб олиб борилсин. Партия ташкилотларининг, айниқса қуйи бўғинларнинг структураси муттасил такомиллаштирилсин.

Область партия комитетларига совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органларининг иши қайта қуриш ва жадаллаштириш вазифаларига амалда мос бўлиб тушишига эришиш таклиф қилинди. Уларнинг фаолиятида демократик асослар ривожлантирилсин, уларнинг майда-чуйда ишларга аралашиши, бошқалар ишини бажариши ва такрорлаши тўхтатилсин, вакиллар юбориб туриш практикаси бекор қилинсин. Комсомолга конкрет масъулиятли топшириқлар дадиллик билан берилсин. Халқ депутатлари Советлари ўз ваколатларидан тўлиқ фойдаланишларига, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг маълум қарорини аниқ бажаришларига бутун чоралар билан кўмаклашилсин. Меҳнат коллективлари тўғрисидаги қонун активлик билан турмушга татбиқ этилсин, меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга реал жалб этиш, уларнинг ташаббускорлиги ва ижодкорлигини авж олдириш учун шу қонуннинг аҳамияти оширилсин. Жамоат ташкилотларида ишлаётган коммунистларга нисбатан талабчанлик кучайтирилсин, улар билан мунтазам учрашиб турилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети область партия комитети зиммасига идеология ишини омманинг сиёсий, социал ва меҳнат активлигини оширишга қаратиш вазифасини юклади. Область коммунистлари, меҳнаткашлари ва бутун аҳолиси партия XXVII съездининг, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг ҳужжатларини чуқур ўрганиб чиқишлари авж олдириб юборилсин. Одамларни, хусусан ёшларни ватанпарварлик ва интернационализм туйғуси руҳида тарбиялаш масалаларига эътибор кучайтирилсин. Атеистик ишга ёндашув тубдан ўзгартирилсин, турмушда ва аввало ўз оилаларида диний кўринишлар таг-томири билан тугатилиши учун коммунистларнинг, раҳбарларнинг, сайлаб қўйиладиган активларнинг шахсий жавобгарлиги оширилсин. Янги социалистик урф-одат ва маросимлар сабот билан жорий этилсин, бу ишда кўриклар системасидан, совет турмуш тарзини такомиллаштириш масалалари билан шуғулланувчи кенгашлар ва комиссиялардан кенгроқ фойдаланилсин. Меҳнатсиз даромадларга, порахўрликка, чайқовчиликка, жиноятчиликка, ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка қарши муросасиз кураш олиб борилсин. Социалистик мусобақани идеологик жиҳатдан таъминлаш даражаси оширилсин. Оммавий ахборот воситаларига зўр эътибор берилсин, салбий ҳодисаларга ва уларнинг оқибатларига қарши курашда, беш йиллик вазифаларини бажаришга область меҳнаткашларини сафарбар этиш соҳасидаги ташкилотчилик ишида уларга дадилроқ таянилсин.

СССР—ҲИНДИСТОН:

ДЎСТЛИК МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН

26 январь куни Тошкентда жамоатчилик вакилларининг Ҳиндистон республикасининг 37 йиллигига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон пойтахтида таълим олаётган студентлар ва аспирантлар иштирок этдилар.

Сўзга чиққанлар икки мамлакат ўртасидаги дўстлик социал системалари ҳар хил давлатларнинг тинч-тотув яшашига ёрқин намуна эканлигини таъкидладилар. Ҳиндистоннинг тинчликсевар позицияси, унинг қуролсизланишга, ядро хавфига қарши қаратилган сиёсати совет кишиларига яқин ва тушунарлидир. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг яқинда Ҳиндистонга бориб келганлиги, Деҳлида олий даражада ўтказилган Совет — Ҳиндистон учрашуви давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни икки томонлама муносабатларда, шунингдек халқаро ишларда сифат жиҳатидан янги марраларга олиб чиқди. Ўзбекистон ССР билан Ҳиндистон республикаси ўртасида маданий алоқаларни ривожлантиришда Совет—Ҳиндистон дўстлик жамияти республика бўлими актив қатнашаётганлиги йиғилишда уқтириб ўтилди.

Йиғилиш қатнашчилари икки мамлакат ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик бундан буён ҳам мустаҳкамланиб, ривожланиб бораверади, деб қатъий ишонч билдирдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова иштирок этди.

(УзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ XIII СЪЕЗДИ

...А СОЮЗ ИШИГА СОБИТҚАДАМЛИК ВА ҚАТЪИЯТ БАХШ ЭТАЙЛИК

Касаба союзлари Қорақалпоғистон область Советининг раиси **А. Тожибоев** 2000-йилга қадар ҳар бир оилани алоҳида квартира билан таъминлаш каби муҳим социал программани бажариш учун курашда касаба союзларининг масъулиятини ошириш масалаларига тўхталди. Бунинг учун Автоном республикада ҳамма имкониятлар бор. Бироқ, ҳозир уйсозлик комбинатлари қувватларининг ярмидангина фойдаланилмоқда, кўпгина ташкилотлар уй-жойларни фойдаланишга топшириш планларини барбод қилмоқдалар, қурилиш ишлари сифати паст. Тармоқ касаба союзлари ишдаги бундай аҳволга бепарво қарамоқдалар, етарлича принципиаллик қилмаётирлар. Уй-жойни тақсимлаш чоғида социал адолат принципларини бузиш фактлари ҳам мавжуд. Бунда касаба союзлари область Советининг ҳам айби бор, область касаба союзлари Совети бу камчиликларни узил-кесил тугатиш учун шошилинч чораларни кўради.

Партиямизнинг жадаллаштириш йўли асосида уй-жойларни фойдаланишга топшириш муддатларини қисқартириш ва иш сифатини оширишни ўзимизнинг энг муҳим вазифамиз, деб биламиз, деди 10-қурилиш трестининг Намангандаги қурилиш бошқармаси бригадири **Т. Обидов**. Дастлабки ютуқларга эришдик: биз графикдан уч ой ўзиб кетдик. Инсон омилини активлаштириш билан биз амалий равишда шуғулланмоқдамиз. Олдин биз бригадада ички мусобақани — тўртта звено ўртасидаги мусобақани авж олдирдик, ҳар куни мусобақага якун чиқариб, бунда ошкораликни таъминлаяпмиз. Четдан ёрдам беришларини кутмай, объектда ўзимиз спорт майдончасини жиҳозладик, қизил бурчак ташкил этдик, ишчиларга маиший қулайлик яратдик. Ҳозир ўзимиз учун ғоят муҳим яна бир масалани ҳал қиляпмиз: уй-жойларни сифат гарантияси билан фойдаланишга топшириш учун бешинчи звено ташкил этяпмиз.

Инсон омилини тўла ишга солиш, яхши меҳнат ва турмуш шароитларини яратиш одамларнинг кайфиятларини яхшилаш учун ҳормай-толмай ғамхўрлик қилиш демакдир, деди Узсовпроф секретари, агросаноат ходимлари касаба союзи республика комитетининг раиси **Т. Х. Собитов**. Сўнгги вақтда қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуришда ижобий силжишлар намоён бўлди. Бу соҳада Наманган, Хоразм ва ...арғона областларининг кўпгина хўжаликлари, корхона... дурустгина иш қилди... Бироқ афсуски айниқ... ...оракалпоғистон АССР, ..., Сирдарё ва Жиззах ...арида социал соҳани ...тиришга масъулиятсизлик билан қараётган, ўзларини ортиқча ташвишга қолдиришни қайсарлик билан истамаётган раҳбарлар, касаба союз ходимлари ҳали ҳам кам эмас. Эндиликда ишга бундай ёндашувга тоқат қилиб бўлмайди.

Жиззах областидаги Ворошилов номли совхоз сут соғувчиси **Н. Хўжамқулова** делегатларнинг эътиборини қишлоқ меҳнатчиларининг социал эҳтиёжлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш натижаларида дарҳол намоён бўлишини кўрсатувчи фактларга қаратди. Масалан, хўжаликда чорвадорлар уйи, бошқа социал, маданий-маиший объектлар ишга туширилгандан кейин сут соғиб олиш кўпайди, ҳар бир молбоқарнинг, ҳар бир сут соғувчининг меҳнат самараси ошди. Лекин бу ҳамма муаммолар ҳал этилган деган гап эмас. Масалан, Арнасой районида шу вақтга қадар санаторий-профилакторий йўқ, ҳаммом қурилиши пайсалга солинмоқда. Бинобарин касаба союз раҳбарлари қишлоқ меҳнаткашларининг манфаатларини ҳимоя қилишда тегишлича қатъият ва жанговарлик кўрсатмаяптилар.

Ўзбекистон ССР Давлат физкультура ва спорт комитетининг раиси **М. И. Иброҳимов** физкультура ва спортни ривожлантириш энг муҳим социал вазифалардан бири эканлиги тўғрисида гапирди. У хўжалик раҳбарлари, касаба союз ташкилотлари ҳамма жойда ҳам спорт иншоотларидан тегишлича фойдаланмаётганликларини, лекин спорт иншоотлари етишмаётганлиги ҳақида тез-тез шикоят қилаётганликларини таъкидлади. Кўпинча бўш турадиган, шу билан бирга айниқса қишлоқ жойларида ўз ҳолига ташлаб қўйилган стадионлар, бассейнлар, спорт майдончалари бор. Спорт иншоотлари бўлган бир қатор колхоз ва совхозларда энг оддий шарт-шароитлар яратилмаган: душхоналар, кийим алмаштирадиган хоналар йўқ, сауна тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Бундай аҳволни тезроқ ўнглаб олиш керак.

Касаба союз ташкилотимизнинг ишида меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга, планларни ишлаб чиқишга жалб этиш масалалари алоҳида ўрин тутади. Бунда коллектив шартнома тузиш катта роль ўйнайди, деди «Сурханэлектросеть» ишлаб чиқариш корхонасининг электр слесари **А. И. Крашенинников**. Шартнома бажарилишини таъминлаш биз учун ишда ҳақиқий жадаллаштиришга эришишни билдиради. Аммо шу муҳим масалада касаба союзларда кўпинча қатъият ва принципиаллик етишмаслигини эътироф этиш керак. Натижада баъзи бандлар бажарилмай қолишига йўл қўйилмоқда. Меҳнат ва турмуш шароитл... яхшилаш планлари ...здагина қолиб кетишига ...йиб бўлмайди.

Қўрғонтепа ип йигириш-тўқиш бирлашмаси мастерининг ёрдамчиси **О. Исоқов** ўз корхонаси кўп турдаги кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш планини барбод этганлигига мана шу шартларга эътибор бермасликнинг сабабларидан бири эканлигини айтди. Масалан, цехларда ҳарорат режимига риоя этилмайди. Баъзи жойлар ёритилмаган. Касаба союз комитети эса мана шу фактларни сезмаганга олиб юрибди. Комитет ходимлар малакасини ошириш, кадрлар қўнимсизлиги каби проблемаларга эътибор бермаяпти.

Урганч районидаги Низомий номли мактаб ўқитувчиси **Р. Қодирова** мактаб коллективларининг ҳуқуқларини кенгайтиришни, ўқув жараёнини демократиялаштиришни кўзловчи конкрет таклифлар киритди. Унинг фикрича, ўқув йили бошланиши олдидан директорнинг ҳисоботини тинглаш, унга коллектив ишонч билдирадими ёки йўқми, билиш керак бўлади. Бу мактаб раҳбари лавозимига сайлаб қўйиш сари босиладиган реал қадам бўлур эди.

Гулистон алоқа узелининг телефонисти **В. Н. Терехина** ўз нутқида Сирдарё областининг социал ривожланиш муаммоларига тўхталди. У ўз коллективи ҳаётидан мисоллар келтирди. Кейинги вақтда бу коллектив ҳаётида баъзи яхши ўзгаришлар юз берди. Шу билан бирга ишчиларнинг овқатланишини яхшилашга дуруст эътибор берилмаяпти — область алоқачилари ихтиёрида биттагина ошхона бор, пионер лагерларига берилаётган йўлланмалар етарли эмас, узел лагерини қуришга эса тўсқинлик қилинмоқда.

Сўз билан ҳам, иш билан ҳам қисқа муддатда ишонтириш, социалистик мусобақа шартларини тубдан қайта кўриб чиқиш, ишчиларни маънавий ва моддий рағбатлантириш резервларини қидириб топиб ишга солиш — Янги Қўқон химия заводи партия ва касаба союз ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўлиб қолди, деди корхона директори **О. Маҳмудмуродов**. Маъмурият билан касаба союз комитети меҳнат ҳақи тўғрисидаги низомни қайта кўриб чиқиб, иш ҳақининг миқдорини маҳсулот сифатига бевосита боғлиқ қилиб қўйдилар. Бу — Давлат қабулининг ҳамма талабларини қондиришдан иборат энг муҳим вазифалардан бирини ҳал этишга ёрдам беради.

Бухоро тўқимачилик комбинатининг ип ўровчиси **О. И. Черноволова** корхонада меҳнатсиз даромадларга қарши кураш қандай олиб борилаётгани ҳақида гапириб берди. Бу курашни меҳнат ресурсларидан фойдаланиш проблемасини ҳал этишдан ажратиб бўлмайди, деди у. Комбинатда штатдан ташқари 394 киши ишлаб турибди, 515 киши иш нормасини бажармаяпти. Бу эса давлатга камроқ фойда келтириб, кўпроқ ўмариш машқини олган турли-туман юлғичлар учун ўзига хос «шароит» яратиб беради. Мана шу ўринда касаба союз ташкилоти ўзининг қатъий сўзини айтиши керак.

Қурувчиларнинг иш шароитлари яхши эмас: ёз жазирамасида ҳам, қиш ёғин-сочинида ҳам очиқ ҳавода ишлайдилар, деди Ўзбекистон ССР қурилиш министри **А. Г. Мананников**. Ҳалол тан олиш керакки, кўпчилик объектларда шу пайтгача ҳам тузукроқ маиший шароитлар яратилмаган, бунинг учун бизни ҳақли равишда танқид қилмоқдалар. Бу йил шу проблемани ҳал этиш соҳасидаги ишни туғаллаш белгилаб қўйилган. Ошхона, душхона, қизилбурчаклар учун махсус вагончалар ишлаб чиқариш ташкил этилмоқда. Мана шу вагончалардан йирик қурилишларда маиший хизмат шаҳарчалари вужудга келтирилади.

Нефтчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш масалалари бизнинг касаба союз ташкилотимиз фаолиятида алоҳида ўрин олади, дейди «Каршинефть» нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармасининг пайвандчиси **С. Р. Алибоев** ўз фикрини делегатлар билан ўртоқлашиб. Масалан, одамлар оғир дала шароитларида яшаб турган шимолий-Ўртабулоқ вахта посёлкасида қисқа муддатда ошхона, саунали ҳаммом, душхоналар қурилиб, фойдаланиш учун топширилди. Қизилбурчаклар ҳам бор, ҳамма бинолар бир марказдан узлуксиз иситилмоқда. Аммо камчиликлар ҳам учраб турибди. Медицина хизматини яхшилаш, махсус кийим-кечак ва пойабзал билан, якка ҳимояланиш воситалари билан таъминлаш масаласи ҳаддан ташқари суст ҳал этилмоқда.

Социалистик мусобақани ташкил қилиш ишида андаккина расмиятчилик кўринишларига ҳам йўл қўйиб бўлмайди, меҳнат мусобақаси илғор тажрибани оммалаштириш билан жуда чамбарчас боғланиши керак, деб таъкидлади ўз нутқида Самарқанд область касаба союзлари Советининг раиси **М. Б. Шодиева**. Область касаба союзлари Советининг президиуми областда беш йилликнинг икки йили планини Улуғ Октябрнинг 70 йиллигигача бажариш мажбуриятини олган энг яхши бешта бригаданинг ташаббусини маъқуллади. 700 дан кўпроқ коллектив бу ташаббусга қўшилди. Аммо кўпчилик бригадалар ҳамон юксак меҳнат унумдорлиги ва иш сифатига эришиш учун бошланган курашга ҳали ҳам қўшилгани йўқ. Бунга аввало касаба союз комитетларининг сусткашлиги таъсир қилмоқда.

Съездда бир қанча областларнинг касаба союз ва хўжалик раҳбарлари шаънига қилинган ўткир танқидни жуда тўғри деб ҳисоблайман, деди Учқудуқдаги «Ўзбекистон 40 йиллиги» совхозининг бош чўпони **М. Номозбоев**. Масалан, қоракўлчиларнинг ишлаб чиқаришдаги турмуши кўп йиллардан бери паст савияда қолиб келмоқда. Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг уй-жой, маиший бўлими эса ва ҳатто Давлат агросаноат комитети ҳам йиғма қўтонлар, ихчам кўчма электр станциялар ишлаб чиқариш сингари масалаларни ҳеч ҳал эта олмаяптилар, кўчма маиший хизматнинг пухта ишлашини йўлга қўя олмаяптилар, социал объектларни ўз вақтида қуришни таъминлай олмаяптилар.

Бугунги кун ҳар бир кишининг бошқача, янада юқори даражадаги шахсий масъулиятини талаб қилади, деди В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитетининг раиси **Г. В. Шевелева**. Ҳар бир касаба союз комитетининг, жумладан бизнинг комитетимизнинг ишида ҳам ҳали ҳамма имкониятлардан фойдаланилаётгани йўқ. Биз касаба союзларининг қайта қуришга, иқтисодий ва социал ривожлантиришни жадаллаштиришга қўшаётган ҳиссасини кўпайтиришимиз мумкин ва лозим. Мана шу энг муҳим ишни ўзимиздан бошлашимиз керак. Айни вақтда касаба союз раҳбарларининг ҳуқуқларини кенгайтириш зарур.

Савдо корхоналарининг касаба союз комитетлари хўжалик юритишнинг янги принциплари моҳиятини ҳаммага етказиш учун зўр бериб ишлашлари керак, дейди Самарқанддаги 5-магазин сотувчиси **З. Ш. Акобирова**. Баъзан молларнинг зарур турларини магазинга келтириш жуда қийин бўлмоқда, молларни «ундириб олиш»га, турли оддий масалаларни ҳал этишга кўп вақт кетмоқда. Шу сабабли мен озиқ-овқат саноати, агросаноат комплекси ходимларига, магазинларга хилма-хил маҳсулотлар юбориш ишини ҳал этадиган барча кишиларга келинглар, биргалашиб ҳаракат қилайлик, харидорнинг эҳтиёжларини тез ва соз қондирайлик, деб мурожаат қиламан.

Меҳнат коллективларини хўжалик ҳисоби, бригада пудрати, ўзини-ўзи пул билан таъминлаш усулида ишлашга тезроқ ўтказиш — касаба союз ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир, деди ўз нутқида Қорақалпоғистондаги «Олтинкўл» совхозининг бригадири **К. Дуримбетов**. Мен раҳбарлик қилаётган коллектив ишни ташкил этишнинг бригада усули афзалликларидан фойдаланиш ҳисобигагина бошқалар билан бир хил шароитда яхшироқ натижаларга эришди. Касаба союзлари илғорларнинг тажрибасини оммалаштиришга бутун диққат-эътиборни қаратишлари, ҳар бир меҳнатчининг ташаббусини бутун чоралар билан кучайтиришлари керак.

Ўзбекистон касаба союзлари XIII съездининг баъзи делегатлари залда туриб гапирдилар. Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозининг бригадири **Т. Маткаримова** ҳам залда микрофондан фойдаланди. У ишнинг самарали усулларига ўтиш билан бирга меҳнат ва турмуш шароитларини ҳам яхшилаш кераклигига эътиборни қаратди. Амалда эса барча хўжалик ва касаба союз раҳбарлари ҳам бунга эришаётганлари йўқ. Колхоз фермасининг коллективи ҳам икки сменали иш гарифигига ўтди. Аммо маиший хоналарда яхшироқ шароитлар яратилмаган.

Учқўрғон район марказий касалхонасининг медицина ҳамшираси **Ч. Азизова** микрофонни қўлга олади. У касаба союз ташкилоти ишининг ўрта малакали медицина ходимлари малакасини ошириш, ўқув кабинетлари тармоғини кенгайтириш ҳақида ғамхўрлик қилиш сингари муҳим соҳаси ҳақида гапиради.

Сирдарёдаги мактаб-спорт ускуналари заводининг пайвандчиси **Р. Я. Рисаев** ҳам залдан гапириш ҳуқуқидан фойдаланди. У корхона меҳнатчиларининг фарзандлари учун болалар боғчаси, пионер лагери қуриш масаласи беш йилдан бери ҳал этилмай келинаётганига Ўзбекистон касаба союзлари республика Советини билан республика Енгил саноат министрлигининг эътиборини қаратди.

Наманган машинасозлик заводининг токари **П. И. Сколота** минбарга чиқади. Бизнинг корхонамизда планларнинг рақамлари ортида аввало меҳнат аҳли турганини кўришга эришилди, деди у, меҳнаткашлар ҳақида имкони борича кўпроқ ғамхўрлик қилинмоқда. Ҳар бир иш жойида умумий куч-ғайратлар билан тартиб ўрнатдик, юксак самарали асбоб-ускуналарни ишга туширдик, завод территориясидаги ошхоналар, магазинларнинг аниқ ишлашига эришдик, дам олиш зонасини ва социал-маданий-маиший эҳтиёжларга хизмат қиладиган бошқа объектларни барпо этдик. Буларнинг ҳаммаси дарҳол самара бера бошлади. Меҳнат унумдорлиги анча ошди, кадрларнинг қўнимсизлиги камайди, прогул қилиш ва иш қобилиятини вақтинча йўқотиш оқибатида зиён кўриш миқдори қисқарди.

Фарғона механика заводи санаторий-профилакторийсининг бош врачи **Р. П. Виноградова** санаторий-профилакторийлар ишининг самарадорлигини ошириш муаммоларига тўхталди. Бундай қилиш учун, деди у, бош врачларнинг штатларни тузиш ҳуқуқларини кенгайтириш, корхона ходимларинингтина эмас, уларнинг фарзандларининг ҳам сиҳат-саломатлигини мунтазам яхшилаб бориш, цехлардаги сиҳат-саломатлик муассасалари фаолиятида дуруст тартиб ўрнатиш керак.

Биз қандай ишламаслик кераклигини тушуниб олдик, аммо афсуски, қандай ишлаш кераклиги ҳақида ҳозирча аниқ тасаввуримиз йўқ, деб таъкидлади ўз нутқида тўқимачилик ва енгил саноат ишчилари касаба союзи республика комитетининг раиси **Т. Б. Мирсолиева**. Ишни йўлга қўйишда эскича ёндашувлар ҳали ҳам касаба союзларига жуда ҳалақит бермоқда. Холбуки, одамлар биздан қайта қуриш тўғрисидаги гап-сўзларни эмас, балки амалда, хўжалик, ташкилотчилик ва тарбиячилик фаолияти услубида сезиларли, туб ўзгаришлар қилишимизни кутмоқдалар. Интизом ва тартибни мустаҳкамлаш тўғрисидаги ғамхўрликни биринчи ўринга қўйиш, топширилган соҳа учун ҳар бир кишидан талабчанликни кучайтириш, расмиятчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашиш муҳимдир.

Биз ҳали ҳам барча резервлардан фойдаланмаслигимиз, ишда янглишишларга йўл қўйишимиз оқибатида социалистик мусобақани ташкил этиш савияси унчалик баланд эмас, деб таъкидлади «Тошкент» локомотив депосининг машинисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Ҳ. А. Исамуҳамедов**. Касаба союз комитетлари, темирйўлчилар район ва йўл касаба союз Советлари ўз ишининг форма ва методларини ҳали ҳам суст ўзгартираётганликлари, қайта қуриш улар учун ҳамон кундалик иш бўлиб қолмаганлиги равшан кўриниб турибди. Темирйўл касаба союз Совети президиумининг аъзоси сифатида делегатларни ишонтириб айтмоқчиманки, биз жуда қисқа муддатларда ишни тузатиб олишга интиламиз, барча коллективлар Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини меҳнатда салмоқли муваффақиятлар билан кутиб олишларига эришамиз.

В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг студенти **И. Аъзамова** ўз нутқида интернационал тарбия масалаларига тўхталди. Студентларнинг касаба союз комитетлари ажнабий талабалар билан ишлашга кўп эътибор бериб, баъзан республиканинг турли жойларидан Тошкентга келган йигит ва қизларни унутиб қўймоқдалар. Масалан, баъзи ётоқхоналарда юртдошлик принципига қараб жойлаштириш фактлари ҳамон давом этиб келмоқда, тарбиявий иш расмиятчилик билан олиб борилмоқда, бу ишда тузукроқ ташаббус кўрсатилмаяпти. Хўш, бу ишни қандай қилиб жонлантирса бўлади? Назаримда Тошкентда студентларни интернационализм руҳида тарбиялаш масалалари билан конкрет равишда шуғулланадиган ва тавсиялар бериб турадиган махсус илмий марказ тузиш зарур. Бу соҳада биз касаба союзидан ҳам ёрдам кутамиз.

Съездда делегатларнинг ҳамма танқидий мулоҳазалари келгуси ишда эътиборга олинади, бу эса бутун касаба союз ташкилотлари фаолиятини янги поғонага кўтариш, КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорларини амалга оширишга уларнинг қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш имконини беради, деб ишонч билдирилди.

(УзТАГ).

● *Партия турмуши: кадрлар ва қайта қуриш*

ҲАМОН ЭСКИЧА УСЛУБ

Ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилади. Ишнинг муваффақияти уларнинг ишчанлиги, ташкилотчилик маҳоратига боғлиқ. Кадрлар партиянинг олтин фондидир, лекин кадрларни билиш, танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш мураккаб иш. Турмуш уларга нисбатан алоҳида талаблар қўймоқда.

Хўжаобод район партия ташкилоти кадрлар танлаш сиёсатини қандай амалга оширяпти? Қуйида шу ҳақда ҳикоя қиламиз.

— Кадрларнинг сифат составини яхшилаш, уларни жой-жойига қўйиш соҳасида анча ишлар қилдик,— деди район партия комитетининг иккинчи секретари И. Ибрагимов, — кадрлар билан ишлаш масаласини пленумда, райкомнинг бюро мажлисларида муҳокама қилиб, маълум ютуқларга эришдик. Кадрларнинг иш услуби, раҳбарлик маҳорати ҳақида фикр олишувлар бўлиб туради.

— Районда 433 коммунист кадрлар резерви рўйхатига олинган, — деди райкомнинг ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири А. Холматов суҳбатга қўшилиб, — уларнинг 27 проценти хотин-қизлардир, 384 нафари эса олий маълумотли кадрлар.

Район партия комитети номенклатурасидаги 203 ходимнинг 194 нафари олий маълумотли, 21 проценти хотин-қизлар ҳисобланади. «Ленинград», «Шарқ юлдузи», Карл Маркс номли колхоз правлениелари раислигига резервдаги кадрлар — Т. Назаров, Т. Қорақўзиева, М. Абилов кўтарилди.

— Кадрлар резервига киритилаётган кишиларнинг ишчанлик фазилати, сиёсий-ғоявий савияси атрофлича ўрганилади, — дейди райкомнинг иккинчи секретари, — зарур бўлган тақдирда унинг иш жойидан характеристика сўралади. Райком ходимлари жойларга чиқиб, резервга олинаётган коммунист билан суҳбатлашадилар. Унинг ишчанлик қобилияти, жамоат ишларидаги иштироки, коллектив орасидаги обрўси, ва ниҳоят, оиладаги хулқ-атворигача ўрганилади. Резервга олинган кадрлар райком бюросида тасдиқланади. Кейин уларнинг иши кузатиб борилади, келгусидаги вазифасига тааллуқли топшириқлар бериб турилади. У бирор лавозимга тавсия этилаётганда берилган топшириқларни қай даражада бажаргани ҳисобга олинади...

Қоғозда, оғизда шундай. Амалда эса аҳвол бошқача.— Кадрлар танлашда жиддий нуқсонлар бор. Районда юлғичлик, ўғирлик, расмиятчилик, лоқайдлик, бепарволик, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш каби иллатлар ҳали таг-томири билан тугатилган эмас. Кадрлар раҳбарлик лавозимига кўпинча анкета маълумотларига қараб кўтарилмоқда. Раҳбар ходимларнинг фаолияти устидан контроллик сусайиб кетди, план бажариш, шуҳрат қозониш, мукофотлар олиш мақсадида фактларни қалбакилаштиришга, юқори органларни онгли равишда алдашга йўл қўйилди.

Очиғини айтганда районда янгиланган раҳбар ходимлар ҳам тўғри танланмади. Киров номли агросаноат комбинатига кимни директор этиб тайинлаш керак, деган савол кўпчиликни ўйлантириб қўйди. Райкомнинг бюро аъзолари кадрлар резервини синчиклаб кўздан кечирдилар. Афсуски, резервдан директорбоп кадр топилмади, Сабаб: комбинат активларидан бир гуруҳи қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик билан шуғулланган учун жиноий жавобгарликка тортилаётган эди.

Илгари Балиқчи районида совхоз директори бўлиб ишлаган М. Сиддиқов комбинатга бош директорликка олиб келинди. У коллективга ишчан, қобилиятли, ҳалол коммунист деб таништирилди. Аммо бир йилга етиб-етмай «ҳалол» директорнинг чуви чиқди. Аввал ишлаган жойида ўзининг найрангларини яшириб, эҳтиёткорлик билан беркитиб келганлиги фош этилди.

М. Сиддиқов бош директорликка юқоридан тайинланган эди. Лекин унинг номзодини аниқ бир киши таклиф этгани ҳеч кимга сир эмас. Демак, кадр танлаганда унинг номзодини кўрсатган кишининг ҳам масъулиятини, жавобгарлигини ошириш керак.

Яна бир шундай мисол келтирамиз. Карл Маркс номли колхознинг собиқ раиси Абдуҳоди Кенжаев ўзини серғайрат ва ташаббускор ходим қилиб кўрсатди. Ҳақиқий башарасини пинҳон тутди. Район партия комитети уни район агросаноат бирлашмаси кенгашига раис қилиб кўтарди. Оқибат нима бўлди? Ярим йил ўтгач, унинг аввалги жиноий ишлари очилди ва ишдан бўшатилди. Райком буни билмасмиди? Биларди. Лекин уни чуқурроқ ўрганишни хоҳламадилар.

Паррандачилик фабрикасининг собиқ директори Ю. Худойбердиев ишни эплай олмагани, давлатга маҳсулот етказиб бериш планини мунтазам бажармагани учун бўшатилиб, унинг ўрнига коммунист Ғофиржон Исоқов қўйилди. У фабрикани оёққа турғазиш учун бир йил уринди. Меҳнат интизомини йўлга қўйди. Фабрикада озгина ўзгариш сезилгандай бўлди. Аммо йилнинг якунидан унинг кўнгли тўлмади, план бажарилмади. Янги директор ариза бериб ишдан бўшаб олди. Райком унга йўл-йўриқ бериб, қўллаб-қувватлаганида эҳтимол ишдан кетмаган бўларди.

Район партия комитети партком секретарлари, мактаб директорлари, корхоналар, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказди. Уларнинг социал-иқтисодий тараққиёт, қайта қуриш талабларини қандай тушунишлари, янгича ишлаш ва фикрлаш доирасини билиш жуда муҳим эди. Суҳбатлашилган 123 та бошланғич партия ташкилоти секретаридан 28 нафари аттестациядан ўтмади. Корхона ва ташкилот раҳбарларидан 7 киши, 2 та қишлоқ Совети ижрокоми раиси, 6 та мактаб директори эгаллаб турган лавозимига нолойиқ деб топилди. Бу, кўпгина раҳбар ходимларнинг билим доираси торлиги, қайта қуришга тайёр эмаслигини кўрсатувчи далиллардир.

Кейинги уч йил давомида районда 154 раҳбар кадр турли сабабларга кўра ўз вазифасидан озод қилинди. Шундан 25 нафари ишни уддалай олмагани учун бўшатилди. 62 киши КПСС сафидан чиқарилди. 107 коммунистга партиявий жазо берилди.

Район партия комитетида «қайта қуришни ўзимиздан бошлаш керак» деган гапни бир неча бор эшитишга тўғри келди. Жуда тўғри, коммунистлар, даставвал раҳбар ходимлар ҳаммага ўрнак бўлишлари лозим. Афсуски, буни ҳали ҳамма ҳам тушуниб етган эмас.

Айниқса, қишлоқ хўжалик секторини кадрлар билан мустаҳкамлаш ёмон. «Ленинград», «Шарқ юлдузи», «Россия» колхозларининг янги сайланган раислари Т. Назаров, Т. Қорақўзиева, Н. Абдуллаев бир йил ишламасдан план интизомини бузганликлари учун партиявий жазо олдилар. «Коммуна» совхозига уч ойдан кўпроқ вақт директор қидирилди. Хўжалик шунча ой бераҳбар турди. Ҳозир ҳам совхозга директор тайинлангани йўқ. «Ленинизм» колхозининг раиси ўтган йилнинг 9 октябрида вазифасидан бўшатилган эди. Аввало, пахта йиғим-терими қизғин бораётган бир даврда хўжаликнинг раҳбарсиз қолиши ишга салбий таъсир кўрсатди. Планлар ўлда-жўлда қолиб кетди. Район партия комитети колхоз раислигига бошқа муносиб кишини тавсия қилишга шошилмади. Орадан икки ойдан кўпроқ вақт ўтди. Бу орада колхозда меҳнат интизоми бўшашиб кетди.

Маълумки, хўжаликларда ўрта бўғин раҳбар кадрлари ишлаб чиқаришнинг командирлари ҳисобланади. Уларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда ҳам камчиликларга йўл қўйилдики, бу ҳолат ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Буни биргина мисолда яққол кўриш мумкин.

Орифжон Исомиддинов ўн беш йилдан бери «Россия» колхозида бригадирлик қилар эди. У биринчи навбатда коллективда меҳнат интизомини мустаҳкамлади, ҳосилдорликни оширди. Бригадирлик қилган йилларининг ҳаммасида йиллик план ва социалистик мажбуриятларини бажариб келди. У бир неча марта орден ва медаллар билан тақдирланди. Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Унинг бригадасида район ва область миқёсидаги кўргазмали семинарлар ўтказилди. 1986 йилда «Россия» колхозида пахта тайёрлаш плани 90 процентда қолиб кетди, 18 та бригададан учтаси йиллик планни бажарди. О. Иссмиддинов бошлиқ бригада эса йиллик планни ортиғи билан уддалади. Лекин бригада бошлиғи яқинда «ўз аризасига биноан» лавозимидан бўшатилди.

Кадр танлашдаги мантиқни қаранг: аввалига илғор деб мақташди, кўргазмали семинарлар ўтказишди. Хўжаликда илғор бўлиб планни бажарганида шарафлашди. Янги йилда эса ўн беш йилдан бери илғорлик қилиб келаётган бригада бошлиғини ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзишга мажбур қилишди. Бу район хўжаликларида кадр танлашдаги яна бир кўнгилсиз манзара. Булар район партия комитетининг кадрларга нисбатан нечоғли бефарқ қараётганлигининг оқибатидир.

Районда кадрлар резерви бор-у, аммо бирор лавозимга кадр танланганда улар анкета талабига жавоб бермай қолади. Савол туғилади: ишончга нолойиқ кадрлар нега резервга олинди?

Партия раҳбарлик ишига кўтариладиган ҳар бир кадр меҳнаткаш омма орасида чиниқиши, улар қандай яшаётганлигини, ҳаётини, талаб-эҳтиёжларини ҳужжатларга қараб эмас, балки ўз шахсий тажрибаларидан билиб олишлари керак. Резервга олинган ва олинадиган барча кадрлар қоида тариқасида худди шундай мактабдан ўтишларига эришиш лозим.

Кадрлар билан ишлаш кўнгилдагидек эмаслиги, кадрлар қўнимсизлиги туфайли Хўжаобод райони ўтириб қолди. Ўтган беш йилликда район давлатга 22 минг 818 тонна кам пахта берди. Ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилида ҳам пахта тайёрлаш плани барбод бўлди. Райондаги 11 та хўжаликдан биттаси ҳам белгиланган планни уддаламади. Районда пахта ҳосилдорлиги 24 центнерга тушиб қолди. Бу, олдинги йилдагидан 3,5 центнер кам.

Район партия комитети партиявий иш усул ва услубларини ҳаёт ўртага қўяётган талаблар асосида такомиллаштириб бориши лозим. Партия ташкилоти бирон-бир кадрни раҳбарлик лавозимига юборар экан, бу — ишнинг бошланиши. У шароитга, одамларга кўникиб, ишни йўлга қўйиб олгунга қадар ҳар томонлама амалий ёрдам ва мадад кўрсатиш керак. Умуман, кадрларга нисбатан ғамхўрликни талабчанлик билан бирга қўшиб олиб бориш ниҳоятда муҳимдир.

Кадрлар билан ишлаш усул ва услубини ўзгартириш, ташкилотчилик, ғоявий-сиёсий ва тарбиявий ишларни ўн иккинчи беш йилликнинг юксак марраларини эгаллашга йўналтириш— район партия комитетининг муҳим вазифасидир.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ИСЛОМ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҚАТНАШУВЧИ МАМЛАКАТ... ҲУКУМАТ БОШЛИҚ... V КОНФЕРЕНЦИЯСИ РАИС... АЛ-АҲМАД АЛ-ЖОБИ...

Сиз Ислом конференцияси Ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқлари V Конференциясининг барча қатнашчиларини Совет Иттифоқи халқлари номидан табриклаймиз.

Сизларнинг ташкилотингиз планетамиздаги давлатларнинг чорак қисмидан кўпроғини бирлаштиради, бу давлатлар умумий дин ва маданий-тарихий мерос билангина эмас, айни вақтда Ер юзидаги барча кишиларнинг тинчлик, озодлик, адолат ва равнаққа бўлган табиий муддаоси билан ҳам бирлашгандирлар.

Ислом конференцияси Ташкилотига аъзо бўлган мамлакатларнинг олий даражадаги бу галги учрашуви таҳликали даврда ўтмоқда. Дунёда ғамлаб қўйилган ажал қуролининг жуда катта запаслари инсоният ҳаётининг ўзига хавф солмоқда. Сайёрамизни ядровий фалокатдан ажратиб турган чегара тобора нозиклашиб бормоқда. Тинчликка душман бўлган кучлар космосни ҳарбийлаштириш режаларини тузмоқдалар, регионал можаролар ўчоқларига ўт ташламоқдалар, халқлар ўртасига муҳолифлик ва ишончсизлик уруғларини сочмоқдалар.

Ҳозир ҳаммамизнинг энг муҳим муштарак бойлигимиз— Ер юзида тинчлик ва ҳаётни сақлаб қолиш учун курашда катта ва кичик ҳамма давлатлар ҳамда халқларнинг куч-ғайратларини бирлаштириш ҳар қачонгидан ҳам зарурдир. Инсоният омон қолиб, ривожланиш ва тараққиётнинг тобора янги чўққиларига кўтарилиши мана шунга боғлиқ.

Уруш ва тинчлик масалаларида Совет Иттифоқи ўзининг сиёсий йўлини ҳеч иккиланмай танлаб олди, бу йўл ядро-космик асрининг реалликларига мос бўлиб тушади. СССР ва унинг иттифоқчилари ўртага ташлаган ҳамда уруш хавфини тугатишга, қуролланиш пойгасини тўхатишга ва қуролсизланишга, халқаро тинчлик ҳамда хавфсизлик негизларини мустаҳкамлашга, халқлар ўртасида ишонч ва ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган кенг миқёсли тинчлик ташаббуслари халқаро майдонда ўзига тобора дадил йўл очиб бораётган янги сиёсий тафаккурга мос бўлиб тушади. Ядросиз, зўравонликсиз ва хавф-хатарсиз дунёни барпо этишнинг амалий йўлларини яққол равшанлантириб берган Деҳли декларацияси давлатлараро муносабатлар янги типининг ёрқин тимсоли бўлди. Шу юксак идеаллар учун курашга, сиёсий, иқтисодий, социал, диний ва бошқа тафовутлардан қатъи назар, барча давлатлар ва халқларнинг ҳисса қўшиши муҳимдир. Ислом конференцияси Ташкилотидек йирик ва эътиборли халқаро ташкилотнинг қатнашчилари шу мақсадга эришиш йўлида биргаликда кўп иш қилишлари мумкин.

Конференция қатнашчиларининг халқаро тинчлик ва хавфсизликка жиддий таҳлика солаётган ҳамда кўпгина давлатларнинг, шу жумладан ташкилотингиз аъзоларининг манфаатларига дахл қилаётган ҳарбий кескинлик ва регионал можаролар манбалари тугатилмаганидан чуқур ташвишланаётганликларига Совет Иттифоқи қўшилади. Яқин Шарқдаги можаро биринчи галда шу жумлага киради. Исроил қўшинларини араблардан босиб олинган ҳамма

ерла... Кудр... ги... рат... таъм... Якин... томон... шиқ-п... хусус... жиҳат... Шарқ... кам т... рилиш... ните... ва... та... кера... А... бар... эът... меха... лигида... сини... лақачо... Ман... цияни... лик ко... рисида... ган мам... ҳукума... Харарe... циясид... БМТ Б... сессияси... кенг м... лиги ай... лолат б... Эрон... даги би... жиддий... келмо... ўзаро... ни бу... чек қў... сиёсий... этишга... ихтиёри... ниятлар... Шу м... шиш у... ги, шу... ференци... ли била... ган ку... эттири... Аф... муам... қили... фотл... ва... майд... тараф... да га... унинг... нуний... да бор... лакати... кумат... ноан... рилга... ерда... моқч... қўши... олиб... буни... сиёс... эри... қол... роқ... ёрми... шил... нинг... рида... гара... лаш А... ги аҳво... калити... дай бўл...

Бунда... тонда ш... нинг эзг... мос бўл... лий яра... ваффақи... ришга х... лур эди.

Ислом... Ташкило... сининг қа... тинчлик в... ликни му... гиондаги м... ларни... тараф... ҳисса... умид б...

Иши... лар тил...

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ...

● *Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленуми қарорлари—ҳаётга!*

«Динга тоқат қилиш, муросасозлик, лоқайдлик, дин билан тилёғламалик қилиш каби ҳар қандай кўринишлар партияга аъзо бўлишга тўғри келмайдиган ҳол, деб қаралиши керак».

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленуми материалларидан).

ВИЖДОНГА ДОҒ ТУШМАСИН

Ҳозирги жадаллаштириш даври ҳар томонлама баркамол, ижтимоий актив шахсни вояга етказиш учун идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларимизни ҳам қайта қуришни талаб этмоқда. Бироқ барча меҳнат коллективларида ҳам бу долзарб масалага жиддий эътибор билан қаралляпти, деб бўлмайди. Фикрни асослаш учун Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги республика махсус алоқа узелидаги бир воқеани мисол қилиб келтириш мумкин. Бу ерда иш шу даражага бориб етдики, ҳатто диний маросимларга таклиф этиш тўғрисидаги эълонлар тахтага илиб қўйиладиган бўлди. Чунончи:

«Ҳурматли ўртоқлар! Сизларни 29 март қозон қурар, 30 март наҳорга ўғлимнинг суннат тўйи муносабати билан бериладиган ошга таклиф қиламан. Юсупов Тўхтамурод. Адрес: Черешневая кўчаси, 54-уй».

«Ҳурматли ўртоқлар! Сизларни 14 март эрталаб марҳум отамларнинг йигирма ошларига келишингизни сўрайман. Пирматов К. Ҳамза район. Икромов кўчаси, 28-уй».

«Сизларни 2 октябрь куни наҳорга марҳум қайнотамизнинг йигирмаларига келишингизни сўраймиз. Турсунов Саъдулла, Янгийўл шаҳри, Кирпичний проезди. 14-уй».

Ажабланарлиси шундаки, юқоридаги ўртоқларнинг ҳаммаси коммунистлардир. Ушбу эълонларнинг ёзилиши, тахтага илинишида ҳам коммунистларнинг роли бор. Коммунистик эътиқод, виждонни бир тарафга қўйиб, диний маросимларни уюштирган ва иштирок этганлар ҳам ана шулар. Хўш, бу воқеалардан алоқа узели маъмурияти, партия ва комсомол ташкилотлари, активлар бехабармидилар, деган ҳақли савол туғилади. Афсуски, хабардор эдилар. Унда нега турмуш тарзимизга ёт одатларнинг олди олинмади? Пайи қирқилмади? Бу саволга жавоб битта: коллективда сиёсий-тарбиявий, атеистик пропаганда ишлари қониқарсиз олиб борилган. Бу фикрни узел ходимларининг қуйидаги мулоҳазалари билан ҳам далиллаш мумкин:

П. АРТЕМЬЕВ: Тахтадаги эълонни олиб ташлаш зарурлигини, бу замонавий одатларга зид эканлигини узел бошлиғи Ш. Тоировга уқтирдим. У эса ҳеч нарса демади ва ҳеч қандай чора ҳам кўрмади... Менимча сиёсий ахборот, лекцияларни қизиқарли ўтказиб уларнинг таъсирчанлигига эришиш керак. Шундагина уларда кўпроқ одам қатнашадиган бўлади.

Н. ВАҲОБОВ: Узел бошлиғининг сиёсий-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб ишлардим. Мен ҳам шу гапларни бошлиққа айтдим. Лекин фойдаси бўлмади. Бу — бошланғич партия ташкилотимиз ёмон ишлаётганлигидан далолат беради.

М. ҚОДИРОВ: Мен эълондаги таклифномани фақат «палов ейиш учун борилади» маъносида тушунган эканман. Бундан кейин қайтарилмайди.

Хўш, бунга нима дейсиз? Эълонлар тахтасидаги таклифномаларни олиб ташлаш учун бошлиқнинг рухсати шартмиди? Ахир, амалий ишдан кўра жавобгарликни ўз зиммаларидан шунчаки соқит қилиш учун таклиф билан чекланганлар ҳам КПСС аъзолари эди-ку? Наҳотки бир чеккада томошабин бўлиб туришдек зарарли позициядан уларнинг виждонлари қийналмаган бўлса? Узел бошлиғи Ш. Тоировнинг «Туя кўрдингми, йўқ» қабилидаги сукут сақлаши-чи? Унинг «Мен отпускада эдим, эълонларни кўрмадим», — сингари баҳонаю важ-корсонларини қайта қуриш талабларининг қайси нуқтасидан туриб баҳолаш мумкин? Ваҳолонки, С. Турсуновнинг таъкидлашича, диний маросимларга таклиф этиш тўғрисидаги эълонларни ёзиш 1979 йилдан буён давом этиб келган.

Мазкур узелга қарашли 143-автокорхона ходими, коммунист М. Қодировнинг изоҳидан эса ажабланмай иложингиз йўқ. Ахир, ош ейишга боришдан аввал у ёки бу маросим қандай муносабат билан ўтказилаётгани хусусида ўйлаб кўрилмасмиди?!

Кўриниб турибдики, махсус алоқа узелида идеологик тарбиявий ва ташкилотчилик ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Сиёсий ахборотчилар, пропагандист ва агитаторлар, партия ва комсомол активлари атеистик тарбия масалалари билан юзаки, расмиятчилик учунгина шуғулланишган. Ўқилган лекция ва ўтказилган партия йиғилишлари руҳи конкрет инсон билан ишлашга, унинг талаб-эҳтиёжини, шароитини, қалбини ўрганишга, сўзни амалий иш билан боғлашга қаратилган эмас. Шу сабабли коллективда диний сарқитларга, замон руҳига мос бўлмаган расм-русумларга амал қилишга муросасозлик вазияти вужудга келган. Афсусланарли жойи шундаки, диний маросимларга алифни калтак дейдиган чаласавод, тамагир мулла, домлалар бошчилик қилишмоқда. Айрим коммунист, комсомол аъзолари, ҳатто баъзи раҳбарлар эса бундай кўнгилсиз манзарани кўра-била туриб сукут сақламоқдалар. Айрим ҳолларда уларнинг ўзлари ташкилотчилик ролини ўтаётирлар ёки бевосита иштирок этмоқдалар. Масалан, диний маросимларда қатнашганликлари учун ўтган йили «Средазавтоматика» заводи директори А. Мансуров, «Тошкент» мармар ишлаб чиқариш бирлашмаси бош инженерининг ўринбосари М. Қўчақбоев, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси автобазаси директорининг ўринбосари Д. Эшмуҳамедов, 219-ўрта мактаб ўқитувчиси Х. Мақсудов сингари ўртоқларга қаттиқ партиявий жазо берилди. Бу сабоқни унутмаслигимиз керак.

Маълумки, пойтахтимизда ҳозирги совет кишисининг онги, савияси, дунёқараши ва маданиятлилигини ифода этувчи янги урф-одатлар, анъаналар тобора кенг қанот ёзмоқда. Бунга ўнлаб мисоллар келтириш мумкин. Бироқ биз бошқа масала—«худойи»лар хусусида тўхталмоқчимиз. Бундай тадбирларда, албатта маҳалла комитети аъзоларидан биронтаси таклиф қилинмасдан қолмайди. У эса ўз жамоатчилик бурчини тушунмайди ёки аксинча, била туриб лоқайдлик қилади. Бундай чиқимдор, зарарли одатларга зарба бериш ўрнига «қамишдан бел боғлаб» хизматда бўлади: домлага учига 5-10 сўм қистирилган тугун тайёрлатади, баъзи яқин қариндошга тўн кийгизиш тараддудини кўради, чой-овқатдан бохабар бўлиб туради. Худди ана шу вакил ва «худойи» қилаётган (улар орасида коммунистлар ҳам бор)ларнинг виждонлари наҳотки икки хил бўлса? Ахир, улар партия сафига ўтаётганларида КПСС Уставига сўзсиз амал қилишни ва айни пайтда: **«— ...диний хурофотларга қарши ва социалистик турмуш тарзига ёт бўлган бошқа қарашлар ва хулқ-атворларга қарши қатъий курашаман»**, —деб ваъда беришган эди-ку? Наҳотки, бундай хатти-ҳаракатлар, иккиюзламачилик партия Устави талабларини қўпол равишда бузиш эканлигини тушунишмаса? Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленумида ана шундай кишиларга «икки қиёфали» деб жуда тўғри баҳо берилди.

Маҳалла комитети аъзолари, активлари мана шу оддий ҳақиқатдан келиб чиқиб иш тутишлари, давр руҳи, талаби, одамларнинг маданий, маънавий эҳтиёжларини қондириш йўлида жонбозлик кўрсатишлари керак эмасмиди?!

Эски сарқитларга қарши кураш, янгича анъаналарни қарор топтириш фақат маҳалла комитетларининг эмас, балки меҳнат коллективларининг ҳам жонажон иши бўлиши лозим. Узел бошланғич партия ташкилоти секретари К. Ҳикматуллаева билан суҳбатимиз ана шу ҳақда борди. У атеистик мавзуда лекциялар ўқилганини, коллектив ўртасида тегишли сиёсий-тарбиявий ишлар олиб борилгани ва кўргазмали агитация ташкил қилинганини таъкидлади. Узел бошлиғи ўринбосари С. Пилецкий коллектив ўртасида идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилмаганини, коммунист М. Аҳмаджонов эса танқид ва ўз-ўзини танқид оқсаётганлигини айтди.

Лекин бу тадбирлар ишлаб чиқариш эҳтиёжлари, конкрет вазифалар билан уйғун боғланмаган бўлса, улардан нима фойда? Умуман, самараси бўлмаган йиғилиш, мажлис, тадбирлар коллектив аъзоларида ишга муносабатни қайта қуриш ҳиссини тарбиялай олмайди. Аксинча меҳнат интизомини издан чиқаришга, план топшириқларининг барбод бўлишига олиб келади. Фактларга мурожаат этайлик: ўтган йили Т. Шокиров, Я. Нишонбоев, Т. Содиқов уч кун, М. Аҳмедов эса 2 кун бесабаб ишга келмадилар. Йил давомида меҳнат интизомини ва хизмат вазифаларини бузиш ҳолларига 134 марта йўл қўйилди. Бунинг устига план ҳам бажарилмай қолди. Буларнинг ҳаммаси узел маъмурияти, партия ташкилотининг интизом ва тартибни узлуксиз мустаҳкамлаш, қайта қуриш ва инсон омилига етарли баҳо бермаганликлари оқибатидир.

Ўтган йили 20 ноябрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокамасига бағишланган очиқ партия йиғилишига 8 киши кечикиб келди. Йиғилишда эса умумий гаплар, насиҳатгўйликка зўр берилди.

Коллективда кадрлар қўнимсизлиги ҳам ортиб бормоқда. Масалан, бурноғи йили ўз аризасига биноан 19 киши ишдан кетган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 26 кишини ташкил қилди. Шулардан тўрттаси КПСС аъзоларидир. Шу фактнинг ўзиёқ кадрлар билан ишлашда хотиржамлик кайфияти ҳукм сурганлигини кўрсатмайдими?

Узел бошланғич партия ташкилоти 31 коммунистни бирлаштириб турибди. Бу ерда 24 комсомол аъзоси фаолият кўрсатмоқда. Бу катта кучдан самарали фойдаланиш маъмурият, партия ва комсомол ташкилотлари раҳбарларининг савиясига кўп жиҳатдан боғлиқ. Коллектив куч-ғайратини, ички ресурсларни 1987 йил ва умуман, беш йиллик топшириқлари, социалистик мажбуриятларининг бажарилиши билан боғлиқ вазифаларга йўналтириш бош масалалардан биридир. Ушбу вазифаларни эса идеологик, сиёсий-ташкилотчилик, атеистик тарбияни яхши йўлга қўймасдан ҳал этиб бўлмайди. Бунинг учун раҳбар ва коммунистлар диққат-эътибори меҳнатчиларнинг нормал яшаши ва ишлаши учун қулай шароит яратиб беришига эришишга, ғоявий эътиқод софлиги учун курашишга қаратилиши зарур.

Яқинда бўлиб ўтган Тошкент шаҳар партия комитети бюросида узел партия ташкилоти фаолияти атрофлича муҳокама қилинди. КПСС Устави талабларидан чекиниш ҳолларига, сиёсий-идеологик, атеистик тарбия ишларидаги бўшашувчанлик фактларига принципиал баҳо берилди. Узел бошлиғи Ш. Тоиров, комсомол ташкилоти секретари С. Турсунов партия сафидан чиқарилди. Бошланғич партия ташкилоти секретари К. Ҳикматуллаева ва узел бошлиғининг сиёсий-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Н. Ваҳобовга шахсий ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинди. Бюро махсус алоқа узели ва 143-автокорхона бошланғич партия ташкилотларига КПСС аъзолари М. Қодиров ва Т. Юсуповнинг диний маросимларни ташкил этганлиги учун жавобгарлигини кўриб чиқишни топширди.

Уларнинг иккиси ҳам тегишли жазосини олиши шубҳасиз. Лекин нима учун партия ташкилоти теварагида, коммунистлар кўз ўнгида шу воқеалар содир бўлди? Нега коллектив шаънига доғ туширадиган айрим хатти-ҳаракатларнинг олди олинмади?

Бу борада сиз нима дейсиз, азиз газетхон?

А. МАННОПОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СИЭТЛ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТОШКЕНТДА

Тошкентлик ҳайкалтарош, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Я. И. Шапиро тинчлик, дўстлик, барча кишиларнинг осойишта ва бахтиёр турмушга интилиши мавзуини Шарқ афсоналаридаги семруғ бурғу чалаётган болани учириб кетаётган таҳлитда тасвирлайди. Ўзбекистон пойтахтида меҳмон бўлиб турган Сиэтл шаҳри делегацияси аъзолари унинг бу асарини кўздан кечирдилар. Бронзадан қуйилган мана шу ҳайкал Америка Қўшма Штатларининг Тинч океани соҳилига, Сиэтл шаҳрига жўнатилади ва «Тошкент» парки марказида ўрнатилади. Бу Ўзбекистон пойтахтининг Америкадаги биродарлашган шаҳарга туҳфаси бўлади. Ўз навбатида Сиэтллик дизайнерлар Тошкентдаги биродарлашган шаҳарлар паркини жиҳозлашда иштирок этадилар.

— Инсонпарварлик руҳидаги ижоди билан халқларни яқинлаштиришга кўмаклашадиган санъат аҳлини қўллаб-қувватлаш — бизнинг муштарак мақсадларимиздан биридир, — деди Сиэтл делегациясининг бошлиғи Розанн Ройер хоним.

АҚШдан келган меҳмонлар В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетига бордилар. Тошкент давлат университетининг Сиэтл университети билан ҳар томонлама алоқаларини ривожлантириш режалари муҳокама қилинди. (ЎзТАГ).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ШИКОЯТ ТАСДИҚЛАНМАДИ

Редакцияга келаётган баъзи аризалар тасдиқланмаётир. Масалан, Фориш районидаги «Фориш» совхозидан, Амударё районидаги М. Горький номли совхоздан, Самарқанд давлат сорт синаш станциясидан ёзилган ариза ва шикоятлар тегишли ташкилотлар томонидан текширилганда улардаги фактлар тасдиқланмади.

Шерободда район партия комитети йўллаган жавобда таъкидланишича, «Октябрь 60 йиллиги» пахта тайёрлаш пунктининг собиқ ишчиси У. Холмёров бир неча маротаба сабабсиз ишга келмаган. Шундан кейин пахта тайёрлаш пункти маъмурияти ва цех касаба союз ташкилоти уни ишдан бўшатган. Бироқ пахта тозалаш заводи касаба союз комитети У. Холмёровнинг аризасини кўриб чиқиб, унинг ишдан бўшатилиши учун материаллар етарли бўлмаганлиги туфайли коллектив тарбиясига юбориб, ўз ишига қайта тиклаган. Лекин у бундан тўғри хулоса чиқариб олмаган, ўз шахсий ишлари билан банд бўлган.

Булунғур рай... прокуратурасидан хаба... шларича, район хал... бўлими раҳбарл... ёзилган ариза... ида тасдиқ-

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРОКУРАТУРАСИДА —

МЕҲНАТ ҲУҚУҚ... ГАРАНТИЯ...

24 январь куни Ўзбекистон ССР Прокуратурасидаги мувофиқлаштириш кенгашида ишчи ва хизматчиларни ишдан бўшатишда меҳнат қонунларига риоя этиш масалалари муҳокама қилинди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, республика прокуратураси ва юстиция органларининг, олий суд, кўпгина министрликлар ва идораларнинг масъул ходимлари қатнашдилар.

Кенгашда совет демократиясининг янада ривожланиши билан касаба союз комитетлари, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг ишчи ва хизматчилар меҳнат ҳуқуқлари гарантиясини таъминлаш борасидаги роли ортганлиги таъкидлаб ўтилди. Лекин бу муҳим ишда нуқсонларга йўл қўйиладиган ҳоллар ҳамон тез-тез учраб, ҳеч нарса билан асосланмаган проблемалар вужудга келяптики, уларни ҳал этиш суд ва прокуратура зиммасига юклатилган.

Ўтган бир ярим йил ичида Ўзбекистон ССР Прокуратурасининг органлари меҳнатни, меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини муҳофаза этиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисидаги қонунлар аниқ ижро этилиши устидан назорат қилиб туриш бўйича катта иш... давр ичида... зиён етказ... шилар ишга... уларнинг... минг сўм...

Аммо... кенгашда... ҳаётинин... бўлаётга... республи... за этиш... қанча ми... идораларда ҳ... моқда. Масъул... нинг ҳаммас... юқори мала... улар кўпинч... салани ҳал... нинг ночорл... сатмоқдалар. ...ларни кўриб... датларининг... рига барҳ... сансалорл... йўл қўй... иш вақт... ва маж... одамлар... нинг кўланиш... моқда.

Ҳуқуқни м... органлари иш... ларни таг-туги... тишда, меҳнат... Конституцияда... ҳуқуқларини ҳимо... таъсирчанлик ва... ни юксалтириш... тизомини мус... бугунги куннинг... вазифаси эканли... да таъкидлаб ў...

...АСБНИ ...РАФЛАБ

...имиз ...арда, ...даст- ...Ленин- ...Ростов- ...й» за- ...кўчириб ...корхона- ...заводи- ...хизмат ...да бу ...мудофаа ...чиқари- ...тинч ...ерла- ...маш» ...чигит ...пурка- ...фоқи- ...блика- ...ишла- ...а, чет ...чиқарил-

...21 пен- ...ци. Улар ...уруш ве- ...ини улуғ- ...утахассис- ...р ўз жо- ...ни тарк этмасдан, унинг шуҳратига шуҳрат қўшиш учун астойдил меҳнат қилишяпти.

Сифат бўйича стандартлаштириш бюроси бошлиғининг ўринбосари Иван Ляопольдович Савицкий ана шундай пенсионерлардан бири. У корхона билан баравар ўсиб улғайди. И. Л. Савицкий бу даргоҳга 1942 йилнинг ноябрь ойида қадам қўйган эди. Меҳнат фаолиятини токарга шогирдликдан бошлади, ўз билимини оширишга ҳаракат қилди. Кечки ўрта мактабни битиргач, Тошкент авиация техникумига кириб ўқиди. Интилганга зафар ёр, деб шуни айтадилар. У оддий нормаловчиликдан меҳнатни ташкил этиш ва рационализаторлик таклифлари бюроси бошлиғи, техника назорати бўлими бошлиғи даражасигача кўтарилди. Унинг 50 дан ортиқ рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бунинг натижасида корхона 200 минг сўмдан ортиқроқ иқтисодий самара олди. Меҳнат қилган элда азиз деб бежиз айтишмаган. И. Л. Савицкийнинг ҳалол меҳнатлари муносиб баҳоланди. Унинг кўксини Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Шавкатли меҳнати учун» медаллари безаб турибди.

Корхонанинг бош металлурги Израил Маркович Фая эса 1942 йил 6 январда заводга келганида эндигина 15 ёшга қадам қўйган ўсмир эди. У Тошкент политехника институтини битириб, қуюв цехи инженери, бош металлург ўринбосари бўлиб ишлади. Ҳозир ишлаб чиқариш бирлашмаси бош металлурги. Ўзбекистонда биринчи бор автомат формовка комплексини жорий этиш унинг номи билан боғлиқ. Хизматлари муносиб баҳоланди. Унга «Республикада хизмат кўрсатган инженер» фахрли унвони берилди.

КОЛЛЕКТИВЛАРДА УРУШ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИ СОВЕТЛАРИ ТУЗИЛМОҚДА

Израил Маркович каби шу ерда меҳнатда суяги қотганлардан бири — 8-қуюв цехининг назоратчиси Абдусамат ака Кариевдир. Улуғ Ватан уруши жангларида тобланган Абдусамат ака 1950 йилда меҳнат фаолиятини бошлаган эди. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент политехника институтини тугатгач, контроль-синов станциясида контролёр, назоратчи мастер, қуюв цехида техника назорати бюроси бошлиғи бўлиб ишлади. Абдусамат ака пенсияда бўлса ҳам ўз қадрдон корхонасини тарк этмаётир. У оддий назоратчи бўлиб ишламоқда.

Юқорида номлари келтирилган илғор ишчи ва хизматчиларнинг бой ҳаётий тажрибаси, касб маҳоратидан янада самаралироқ фойдаланиш учун нима қилмоқ керак? Яқинда бирлашмада уруш ва меҳнат ветеранлари Советини ташкил этишга бағишланган йиғилиш бўлди. Советга ана шу корхона бағрида камол топган, унинг шуҳратига шуҳрат қўшган кекса ишчилар, Улуғ Ватан уруши ветеранлари сайланди. Улар орасида Иван Ляопольдович Савицкий, Абдусамат ака Кариев, Израил Маркович Фаялар билан бирга таъминот бўлимининг тақсимловчиси, 1944 йилдан КПСС аъзоси Иван Варфоломеевич Купаев, ўнинчи, ўн биринчи беш йилликлар зарбдори Ҳанифа Саидова ва бошқа ўртоқлар бор.

— Биз, — дейди ветеранлар Советининг аъзоси Абдусамад ака Кариев, — бой ҳаётий тажрибамиз, касбимиз сирларини ёшларга ўргатишга ва бу билан корхонада муносиб ўринбосарлар тайёрлашга эътиборни кучайтираверамиз. Ҳар биримиз илғор технологияни жорий этиш йўли билан ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш соҳасидаги улуғвор вазифаларни бажаришда фаол қатнашишга қатъий қарор бердик.

М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА.

...РТЛАРНИ ОЧГАНДА

● Редакция январь ойининг шу кунигача икки мингдан зиёд хат-хабар олди. ● Шундан тўрт юзтага яқини ариза ва шикоятлардир. ● Газетада босилган материалларга икки юздан ортиқ откликлар келди. ● Тегишли ташкилотлардан уч юздан ортиқ расмий жавоблар олинди.

— ЯХШИ ТАКЛИФ! —

...ВАЛИ ТУТ ...ПАЙСА...

...ир йил тут ...л дур те- ...бор. Дар- ...хти ўлка- ...илиги, она ...сиз неъ- ...—пил- ...шё бўл- ...урхони- ...кейин- ...кка эъ- ...ди. Кўп- ...тацияла- ...Тутчилик ...нилик ҳам ...Масалан, ...бўйича ...10—12 ...Ўтган ...м 143 ...факт- ...тутчи- ...бора- ...ар қи- ...иб ту- ...навла- ...лганда бундай дейиш қийин, Аниқроғи, бу соҳага етарли эътибор берилмаяпти. Районда сўнгги 15—20 йил ичида фақат йирик япроқли, мевасиз тут ниҳолларигина ўтқазилди. Пиллачиликнинг озуқа базасини ривожлантиришни мевали тут дарахтларини кўпайтириш ва уларнинг янги навларини яратиш ишлари билан ҳам боғлаб олиб борилса, айни муддао бўларди. Ҳолбуки, районимизнинг барча хўжаликларида, жумладан, «Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги», «Москва», Дзержинский номли, «Партия XX съезди», «Қашқадарё» совхозлари территорияларида янги-янги тутзорлар барпо этиш учун қулай шароитлар мавжуд. РАПО мутахассислари бу ҳақда бош қотирсалар яхши бўларди.

К. ПАРДАЕВ,
Қашқадарё области.

Тошкентдаги 144-мактабнинг Совет—Ҳинд дўстлиги клуби аъзолари ҳиндистонлик тенгқурларининг миллий байрам билан уларнинг ўз она тилида табриклайдилар. Бу илм масканида ўқувчилар 2-синфдан бошлаб ҳинд тили ўқимоқдалар. Улар айни чоғда дўст мамлакатнинг тарихи, географияси ва адабиёти билан чуқур танишадилар. Клуб Жавахарлал Неру номи билан юритилади. Унинг аъзолари рақс ва драма тўгараги, хор труппаси ташкил этишган бўлиб, шонли сана шарафига ўтказиладиган кечада бадиий ҳаваскорлар ҳинд санъати асарларидан катта концерт қўйиб берадилар.

Суратда: мактабнинг Совет — Ҳинд дўстлиги клуби йиғилиши пайти.

Р. Шамсуддинов фотоси (ЎзТАГ).

...меҳнат, турмуш ва маданиятга оид социал масалаларни ... ҳал қилиш тўғрисида, кишиларнинг манфаат... эҳтиёжларини қондириш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилиб боришни барча давлат ва хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари фаолиятининг қонуни деб ҳисоблайди».

(Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съезди материалларидан).

...НА ...ОН ...ДИ?

...ость тажри- ...А. Набиев ...Бу терри- ...ортиқ аҳоли ...боғча ёши- ...Бироқ боғ- ...сабабли ...ар ишла- ...га маж- ...ён боғча ...турли таш- ...т қиламиз. ...млар ваъда беришади-ю, лекин амалда ҳеч нарса кўринмайди. Боғча қачон қуриларкин!

КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАР НОМИДАН:

О. Холиқова, М. Ашурова, Н. Шодиева (жами 10 та имзо).

ҲАММОМ ҚИДИРИБ

Жарқўрғон районидаги «Шарқ юлдузи» совхозининг Янги усул участкаси аҳолиси ҳаммомсиз қийналяпти. Қўшни Какайди посёлкасидаги ҳаммомга борсангиз, навбат тегмай орқангизга қайтиб кетасиз. Ҳамид Олимжон номли совхознинг Гаранг қишлоғидаги ҳаммом эса ишламайди. Хўжалик раҳбарларидан акс-садо чиқмаётир. Энди ҳаммом излаб, қаерга борсак экан!

А. УРАЗАЛИЕВ,
Д. ТОШПЎЛАТОВ,
Т. ШОМУРОТОВ,
Сурхондарё области.

КАССАГА ЭМАС, КИССАГА

Андижон шаҳрида саҳардан ҳаёт қайнайди. Ким ишга, ким ўқишга йўл олади. Лекин баъзи автобус, троллейбус ҳайдовчилари эрталабдан дилингизни ранжитиб, асабингизни бузишади.

Баъзи ҳайдовчилар яқинлашиб қолган бекатни эълон қилиб: «Олдинги эшикдан тушасизлар, билетни тайёрлаб туринглар» дейди-да қўлини очиб, йўловчилар берган пулни кассага эмас, киссасига уришади. Айни вақтда қимматли вақтингизни ўғирлаганини хаёлларига ҳам келтиришмайди.

Шаҳардаги автобус ва троллейбус паркларининг масъул ходимлари бу масала хусусида дурустроқ ўйлаб кўришса яхши бўларди.

Ҳ. ҚОБИЛОВ,
Андижон районидаги Охунбобоев номли совхоз.

РЕДАКЦИЯДАН:

Бухоро область Совети ижроия комитети болалар боғча-яслилари, Жарқўрғон район Совети ижроия комитети ҳаммом қурилишлари, Андижон шаҳар Совети ижроия комитети эса аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқадилар, деб умид билдирамиз.

...чили сигнал

...Ш ҚИЛИЧИНИ ...НҒОЧЛАБ КЕЛГАНДА

...50 Москва ...яшовчи ...учун ҳақ ...ортишди. ...ясни идо- ...ри эса ...бериб, ...иситилади, ...ўтаётган ...вартиралар эса ...бу йил қиш ...и йўқ. Январь ...ган бўлса ҳам ...оқшомлари ва ...тушяпти, ҳаро- ...дан пастда. ...да 10 даража ...иқ бўлгани би- ...ловатда яшаяп- ...лмайди. ...лар учун қурил- ...ки уйлар фой- ...топширилиши ...қ квартиралар» ...ам пайдо бўлди. ...кки йилдирки, Архитектура кў- ...уйларнинг аҳо- ...мавсумига худди ...тни кутаётгандек ...кўради: электр ...облари ўрнатила- ...эшикларнинг тир- ...сала билан ёпи-лади. Электр счетчиклари ҳам гир-гир айлангани-айланган. Истеъмол кўп бўлганлиги сабабли шаҳар энергетика системаси ҳам «тоб ташлаб» қолмоқда. Квартиралар иситилмаётгани устига тез-тез чироқ ҳам ўчиб қолмоқда.

Йилдан йилга шаҳар хўжалиги қишга тайёргарлик кўрмай киради. Масалан, бу йил қозонхоналарнинг асосий ускунаси ремонти декабрь ойининг ўрталаридагина тугалланди. Бир нечта уйлар эса батамом иситилаётгани йўқ, чунки ертўлалардаги иссиқлик тармоқларини ремонт қилишни «унутиб» қўйишибди.

Бундоқ қараганда, Янгиерда қозонхоналар 11 та, ҳар қалай етарли кўринади. Аммо яхши иситмаганидан кейин улардан нима наф? Маҳаллий сув таркибидаги ишқор нормадагидан 3—4 марта кўп, шунинг учун иссиқлик тармоқларидан тиқин тўпланиб қолади. Демак, тозалаш иншоотлари зарур. Аммо бу иншоотлар барча муаммоларни ҳал эта олмайди. Чунки шаҳар кўпинча сувсиз ҳам қолмоқда, сув бўлмаганидан кейин хонадонлар ҳам иситилмайди, бу ўз-ўзидан равшан.

Хўш, бу мушкулни осон қилса бўладими?

Бўлади, бунинг учун ҳозир ишлаб турган барча қозонхоналар ўрнига битта йирик қозонхона қуриш керак. Ана шундай қозонхона ҳозир Гулистон шаҳрида ишлаб турибди, у шаҳар аҳолисига иссиқ сув ҳам, иссиқлик ҳам етказиб бермоқда. Янгиерликлар эса буни фақат орзу қилишлари мумкин. Янгиерда сувни химиявий усулда тозалаш учун махсус системаси бўлган район қозонхонаси қуриш эса 2000-йилга мўлжалланган.

Қиш эса ҳар йили ҳам илиқ келавермайди, дейдилар. Қиличини яланғочлаб келадиган қишлар ҳам бўлади. Табиатнинг йўлини тўсиб, биз қишга тайёр эмасмиз, деб бўлмайдику, ахир.

Г. ОГОРОДОВ,
ЎзТАГ мухбири.
...Янгиер,
Сирдарё ...сти.

• *Спорт*

— ЕНГИЛ АТЛЕТИКА: —

Оммавий югуриш

Ўзбекистон райони маркази Яйпан шаҳрида ўзига хос спорт байрами бўлди. Спортнинг югуриш турига ихлос қўйган яйпанлик ҳаваскорлар олис манзилни кўзлаб стартга чиқдилар. Район комсомол комитети, район физкультура-спорт комитети ва «Пахтакор» кўнгилли спорт жамияти томонидан уюштирилган оммавий югуришда жами 1200 киши қатнашгани қайд этилди. Бу югуриш Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллиги ва ВЛКСМнинг бўлажак съездига бағишланди.

Маршрут Яйпан—Фарғона оралиғида бўлиб, 125 километрга тенг эди. Югуришда кекса ишчи-хизматчилардан тортиб, бошланғич синф ўқувчиларигача қатнашди. Улар Қўқон шаҳри, Боғдод ва Олтиариқ район марказлари орқали марра сари интилдилар. Гарчанд асосий югурувчилар 70 кишидан ортиқ бўлса-да, йўл-йўлакай, шаҳар, район марказларида уларга бошқалар қўшилиб, эстафета тариқасида маълум жойгача кузатиб боришди. Югурувчилардан Шўрсу мум-олтингугурт кони шофёри Мурод Рўзиматов, спорт мактаби директори Асрор Ҳакимовлар сабот-матонатда ибрат кўрсатдилар. Эрталаб соат 9.30 да старт олган югурувчилар соат 4.00 да Фарғонага кириб бордилар. «Тинчлик» оммавий югуриши кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Ҳ. ОРТИҚОВ,
спорт мастерлигига номзод.

ТУЗАТИШ

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг 25 январь куни эълон қилинган ахборотида хатога йўл қўйилган. «Моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши» бўлимида деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш тўғрисидаги жадвалнинг «Хўраки полиз маҳсулотлари» бандида «3930,3» рақами «930,3» деб ўқилсин.

(ЎзТАГ).

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

«ЗАНГОРИ ЭКРАН»ДА КЎРИНГ

27 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.15 — Горнчилар, қардасиз! 9.45 — «Қуёш остида тўзон». Бадиий фильм. 11.20 — РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Семёнов чалади. 11.50 — Дунё воқеалари. 16.00 — Янгиликлар. 16.45 — Хизматнинг оддий кунлари. 1-қисм. 17.15 — Сизни Свердловск опера театри чорлайди. 18.05 — Истеъдод. 18.35 — Ҳужжатли фильм. 19.05 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 19.35 — Қишлоқ хўжалик билимлари университети. 20.20 Мультфильмлар. 20.25 — Янгиликлар. 20.35 — Телеспектакль. 21.30 — Время. 22.05 — А. С. Пушкин трагедияларидан монологларни СССР халқ артисти Б. Бабочкин ўқийди. 22.40 — Композитор А. Петров асарларидан концерт. 23.55 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Тарих. 10.05 — Француз тили. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 12.05 — «Владимир Ильич Ленин». Поэма. 13.10 — «Қамал». Бадиий фильм. 1-фильм. 15.25 — Янгиликлар. 15.30 — Тарих саҳифалари. 16.20 — Қиличбозлик. Халқаро турнир. 18.25 — Янгиликлар. 18.30 — 9-студия. 19.30— Музикали киоск. 20.00 — Ритмик гимнастика. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 21.30 — Время. 22.05 — «Қамал». Бадиий фильм 2-фильм. 23.20 — Янгиликлар.

ЎзТВ-I. 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Телефильм. 7.40 — «Пионер телетайпи». 7.50 — Салом, кичкинтойлар!». 8.00 — Ахборот. 8.20 — Халқ куйлари. 16.35 — ЎзССР тарихи. 17.05 — Телефильм. 17.30 — Янгиликлар. 17.40 — География. 18.15 — «Бойчечак». 18.45 — Мультфильм. 18.55 — «Халқаро ҳаётнинг актуал масалалари». 19.30 — Ахборот. 19.45 — «Қиш — бешафқат назоратчи». 20.00 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбек куйларидан концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Амалий давра суҳбати.

ЎзТВ-II. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 19.45 — «Лўли». Бадиий фильм. 21.05 — «Иккинчи истеъдод». 21.30 — Время. ДУШАНБА. 22.05 — «Жаноби олийларининг адъютанти». Бадиий фильм. 1-серия.

28 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.15 — Телеспектакль. 10.10 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 10.40 — Ҳужжатли фильм. 11.20 — «Салют» маданият уйи гитарачилар ансамбли чалади. 11.45 — Дунё воқеалари. 16.30 — Янгиликлар. 16.35 — Хизматнинг оддий кунлари. 2-қисм. 17.15 — Спорт ва шахс. 18.05 — Инсон ва инсонийлик. 18.30 — «Ҳар доим бўлсин қуёш!». 19.10 — Америка маданиятини Европага зўрлаб киритиш. 19.40 — Янгиликлар. 19.50 — «Капитан қизи». Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Баскетбол. Европа кубок эгалари кубоги. 23.25 — Дунё воқеалари. 23.40 — Дунё ва ёшлар.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — География. 10.05 — Немис тили. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Ўқув кўрсатуви. 12.05 — Шахмат мактаби. 13.10 — «Қамал». Бадиий фильм. 2-фильм. 14.55 — Қишлоқ янгиликлари. 15.55 — Янгиликлар. 16.00 — Декабристлар Сибирда. 18.25 — Янгиликлар. 18.30 — Ҳамкорлик. 19.05 — Фильм-спектакль. Танаффусда — Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.30 — Время. 22.05 — «Қамал». Бадиий фильм. 2-қисм. 1-фильм. 23.40 — Янгиликлар. 23.55 — Хоккей. СССР чемпионати.

ЎзТВ-I. 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — «Лениндан ўрганамиз». 7.50 — «Салом, кичкинтойлар!». 8.00 — Ахборот. 8.20 — «Музикали дастхат. 16.35 — «Абитуриент—87». 17.05 — Телефильм. 17.30 — Янгиликлар. 17.40 — «Техника ижодиёти мактаби». 18.15 — «Инсон омили хизмати». 18.40 — Мультфильм. 19.00 — «Миллионлар ленинча университети». 19.30 — Ахборот. 19.45 — «Пахта ҳақида диалог». 20.30 Ахборот. 20.50 — «Дирижёр ҳикоя қилади». 21.30 — Время. 22.05 — «Фан ва дин». 22.35 — «Эртага — премьера».

ЎзТВ-II. 19.30 — «Пионер телетайпи». 19.40 — Ритмик гимнастика. 20.00 — Адабий кўрсатув. 20.50 — «Сифат — бош мезон». 21.30 — Время. ДУШАНБА. 22.05 — «Жаноби олийларининг адъютанти». Бадиий фильм. 2-серия.

29 ЯНВАРЬ, ПАЙШАНБА

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.15 — «Мўъжизасиз мўъжизалар. 10.15 — «Капитан қизи». Бадиий фильм. 11.55 — Илмий-оммабоп фильм. 12.20 — Дунё воқеалари. 16.30 — Янгиликлар. 16.45 — Хизматнинг оддий кунлари, 3-қисм. 17.15 — «Комсомольская правда» газетаси Бутуниттифоқ комсомол зарбдор қурилишларида. 17.50 — Концерт. 18.10 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 18.55 — Севимли Ватаним менинг. 19.00 — Давлат қабули — ҳаракатда. 20.30 — Янгиликлар. 20.40 — СССР халқ артисти Аднишев куйлайди. 21.30 — Время. 22.05 — Адабий альманах. 23.20 — Дунё воқеалари. 23.35 — Д. Огдон пианинода чалади.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — Ўқув кўрсатуви. 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.05 — Испан тили. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Ўқув кўрсатуви. 12.05 — Н. Грибачев поэзияси. 13.10 — «Қамал». Бадиий фильм. 2-қисм. 1-фильм. 15.20 — Ўқувчиларга физиология ва гигиена ҳақида. 15.50 — Янгиликлар. 15.55 — Уларнинг номларини унутмаслик керак. 18.25 — Янгиликлар. 18.30 — Жаҳон музика маданияти хазинасидан. 19.10 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — СССР халқ артисти А. Грибов. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Ҳужжатли фильм. 21.00 — Ритмик гимнастика. 21.30 — Время. 22.05 — «Қамал». Бадиий фильм. 2-қисм, 2-фильм. 23.10 — Хоккей. СССР чемпионати.

ЎзТВ-I. 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Комсомол съезди олдидан. 7.50 — «Салом, кичкинтойлар!» 8.00 — Ахборот. 8.20 — «Музикали дақиқалар». 16.35 — Рус адабиёти. 17.10 — Телефильм. 17.30 — Янгиликлар. 17.40 — «Касблар ҳақида ҳикоялар». 18.15 — «Инсон болаликдан бошланади. 18.40 — Мультфильмлар. 19.00 — «Иқтисодий шарҳ. 19.30 — Ахборот. 19.45 — «Инсон ва қонун». 20.30 — Ахборот. 20.50 — «Совет Ўзбекистони композиторлари». 21.30 — Время. 22.05 — Хўжасизликка барҳам берайлик! 22.30 — ҚҚАССР ва республика областлари театрларининг телефестивали.

ЎзТВ-II. 19.35 — «Билса ҳазил, билмаса чин». 20.15 — Реклама. 20.30 — СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари. 21.00 — Дала, ҳовли юмушлари. 21.30 — Время. ДУШАНБА. 22.05 — «Жаноби олийларининг адъютанти». Бадиий фильм. 3-серия.

30 ЯНВАРЬ, ЖУМА

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.15 — Дунё ва ёшлар. 9.50— «Хоккей ўйнаш осонмас». Бадиий фильм. 11.10 — Ҳужжатли фильм. 11.35 — Новосибирск давлат академик опера ва балет театри артистлари концерти. 12.05 — Дунё воқеалари. 16.30 — Янгиликлар. 16.45 — Рус тили. 17.15 —«Қизил галстук». Бадиий фильм. 18.25 — Рус музейи. 18.55 — Баскетбол. Европа чемпионлари кубоги. 19.35 — Янгиликлар. 19.45 — «Тулки ови». Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Кинопанорама. 23.25— Дунё воқеалари. 00.05 — Болгария эстрада артистлари Москвада.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — География. 10.05 — Инглиз тили. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Ўқув кўрсатуви. 12.05 — Бизнинг боғ. 13.10 — «Қамал». Бадиий фильм. 2-қисм, 2-фильм. 14.45 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 15.15 — Янгиликлар. 15.20 — Феодор Абрамов. 16.30 — Подмосковье картаси олдида. 18.25 — Янгиликлар. 18.30 — Саёҳатчилар клуби. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 19.40 — Муаммолар — изланишлар — ечимлар. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар!. 20.45 — Ф. Шуберт. Тугалланмаган симфония. 21.20 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Поэзия кечаси. 23.30 — Янгиликлар.

ЎзТВ-I. 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Ўринбосарлар улғаймоқда. 7.50 — Салом, кичкинтойлар! 8.00 — Ахборот. 8.20 — Чолғу куйлари. 16.35— Рус тили — Армия сафига чақирилувчилар учун. 17.10 — Ҳужжатли фильм. 17.30 — Янгиликлар. 17.40 — Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 18.15 — Мультфильм. 18.30 — Пионерлар мамлакатида. 19.30 — Ахборот. 19.45— Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион университети. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Лауреатлар парвоз қилади. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш: муаммо ва изланишлар. 22.55 — Телеминиатюралар театри. 23.55 — Бугун оламда нима гап?

ЎзТВ-II. 19.30 — Ёшлик. 20.00 — Ритмик гимнастика. 20.20— Хушёрлик — ҳаёт мезони. 20.50 — Телефильм. 21.00 — Биродарлашган шаҳарлар. 21.30 — Время. ДУШАНБА. 22.05 — «Жаноби олийларининг адъютанти». Бадиий фильм. 4-серия.

31 ЯНВАРЬ, ШАНБА

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.10 — Концерт. 9.30 — Озарбайжонда ёшларни чорвачиликка жалб этиш муаммолари ҳақида. 9.50 — АБВГДейка. 12.20 — Инсон. Ер. Коинот. 10.50 — Поэзия. 11.35 — Экран дўстлари чорлайди. 12.15 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 12.50 — Концерт. 13.05 — Ҳамкорлик. 13.35 — Дунё воқеалари. 13.50 — Мультфильм. 14.00 — «АвтоВАЗ» — муаммо, мулоҳазалар. 15.30 — «Биринчи ўқитувчи». Бадиий фильм. 17.20 — Ғоя талаб этилади. 18.25 — Халқ ижодиёти Бутуниттифоқ II фестивали. 18.55 — Москва —Владивосток — Токио. Телекўприк. 20.25 — «Комендант Пушкин». Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Телетомошабин ҳамроҳи. 22.35 — Шанба оқшомида.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Мультфильм. 9.40 — Ритмик гимнастика. 10.10 — Тонгги почта. 10.40 — Бизнинг боғ. 11.10 — «Давр, олға бос!». Бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар. 13.35 — Концерт. 13.45 — Жаҳон бадиий адабиёти. 15.45 — Эркин кураш. Халқаро турнир. 16.15 — Инсон ва қонун. 16.45 — Концерт. 18.45 — «Рассом хотинининг портрети». Бадиий фильм. 20.10 — Илмий-оммабоп фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Халқ оҳанглари. 21.00 —Волейбол. СССР чемпионати. 21.30 — Время. 22.05 — Бадиий фильм. 00.15 — Ҳужжатли фильм. 00.45 — Янгиликлар.

ЎзТВ-I. 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Телефильм. 7.50 — Салом, кичкинтойлар! 8.00 — Ахборот. 8.20 — Тонгги тароналар. 8.30 — Время. 9.05 — Комсомол съезди олдидан. 9.35 — Врач маслаҳати. 9.45— Спорт шарҳи. 10.15 — Агросаноат ва Озиқ-овқат программаси. 10.45 — Телевизион театр почтаси. 11.30 — Саперная кўчасидаги уй. 12.00 — «Туғилгандан афзал». Бадиий фильм. 13.25 — Касаба союзлари — коммунизм мактаби. Касаба союзларининг XIII съезди делегатлари билан учрашув. 17.50 — Мультфильм. 18.00 — Дўстлик экрани. 19.00 — Ёшлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Эстрада концерти. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Мусиқа жавони. 21.30 — Время. 22.05 — Ижодий учрашувлар.

Душанба. 17.50 — Реклама. 18.00 — Дўстлик экрани. 19.00 — Мен яшаётган олам. 19.30 — Новости. 19.50 — Гулшани адаб. 20.30 — Ахбор. 20.50 — «Лола» ансамблининг концерти. 21.30 — Время. 22.05 — «Жаноби олийларининг адъютанти». Бадиий фильм. 5-серия.

1 ФЕВРАЛЬ, ЯКШАНБА

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.15 — Ритмик гимнастика. 10.00 — Спортлото. 10.15 — Будильник. 10.45 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан!. 11.45 — Тонгги почта. 13.45— Музикали киоск. 15.45 — Қишлоқ янгиликлари. 14.45 —Здоровье. 15.30 — Ералаш. 15.40 — Ўртоқ қўшиқ. 16.25 — Бадиий фильм. 17.50 — Киноафиша. 18.40 — Халқаро панорама. 19.25 — Мультфильм. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.45 — Ветеранлар, Сизлар учун. 21.30 — Время. 22.05 — «Кичик фожиалар». Бадиий фильм. 23.35 — Янгиликлар. 23.45 — Н. Осипов номидаги давлат рус академик халқ оркестрининг чиқиши.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Ҳужжатли фильм. 9.55 — Рус тили. 10.25 — Оренбург телестудиясининг программаси. 11.30 — Қувноқ стартлар. 12.15 — Дунё ва ёшлар. 12.50 — «Олий суд». Фильм-спектакль. 14.50 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 15.50 — Мультфильм. 16.00 — Нима? Қачон? Қаерда? 18.20 — Жаҳон музика маданияти хазинасидан. 19.15 — Тўпли хоккей. Жаҳон чемпионати. 20.00 — Музикали мозаика. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Коньки спорти. Жаҳон чемпионати. 21.30 — Время. 22.05 — Спорт ва рақслар. 23.05 — Янгиликлар. 23.15 — Коньки спорти. Жаҳон чемпионати.

ЎзТВ-I. 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Телефильм. 7.50 — Мактаб ўқувчилари учун кўрсатув. 8.00 — Ахборот. 8.20 — Телефильм. 8.30— Время. 9.05 — Биргаликда куйлаймиз. 9.25 — Истеъдод. 9.55 — Шахмат мактаби. 10.25 — «Ота». Бадиий фильм. 11.55 — Бахши шоирлар ва халқ созандаларининг телевизион конкурси. 12.55 — Реклама. 18.00 — Мультфильм. 18.20 — Болалар учун телевизион театр. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Сўз кетидан, сўз келар. 21.00 — Мактаб ислоҳоти амалда. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Мусиқа ва ҳаёт. 21.30 — Время. 22.05 — Қиш—синов даври. 22.35 — Концерт.

Фрунзе. 16.25 — Мультфильм. 16.35—Сўз ҳақида сўз. Фильм-концерт. 16.55 — Киносаёҳатчилар клуби. 18.05 — «Учқун». 18.55 — «Кекса эман дарахти эртаклари». Бадиий фильм. 20.00 — Мезгил. 20.30 — Музикали кўрсатув. 21.00 — «Эшмат—фаришта». Бадиий телефильм. 21.30 — Время. 22.05 — Қирғизистон журналистларининг VII съездида. Кўрсатув тугагач — М. Карим. «Ой тутилган тунда». Спектакль.

Р. — 08530. Ўзбекистон Компартияси Марказий Ком[итети На]шриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. В. — 22. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12